Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 186 (4902). ● 20 сентябрь, 1973 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

СОФИЯ, 18 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бугун шу ерда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолари ва Сиёсий Бюро аъзолигига кандидатлар ҳамда БКП Марказий Комитети секретарлари билан учрашди. Давомли, дўстона суҳбат чоғида учрашув иштирокчилари ҳар иккала мамлакатда коммунистик ва социалистик қурилишнинг бориши тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар ва СССР билан БХР ўртасида, КПСС билан БКП ўртасида дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Халқаро аҳволнинг муҳим масалалари, аввало, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга, Европада ва бутун дунёда тинчлик ишини мустаҳкамлашга доир масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Суҳбат якдиллик ва қардошларча дўстлик руҳида ўтди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

СОФИЯ, 19 сентябрь. (ТАСС). Дўстона визит билан Болгарияга келган КПСС Марказий Комитети Бош секретари — Болгария Халқ Республикаси Қаҳрамони ўртоқ Л. И. Брежнев шарафига Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг раиси ўртоқ Т. Живков, Болгария деҳқончилик халқ кенгашининг секретари, Ватан фронти Миллий кенгашининг раиси, БХР Давлат Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Г. Трайков, БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг раиси ўртоқ С. Тодоров, БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари ва Сиёсий Бюро аъзолигига кандидатлар, БКП Марказий Комитетининг секретарлари, министрлар, фан, маданият ва санъат арбоблари, Болгария Халқ Армиясининг генераллари ва офицерлари, жамоат ва ёшлар ташкилотларининг намояндалари, дипломатия корпусининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлиб борган расмий кишилар ҳам қабул маросимида қатнашдилар.

СССР ва БХРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

Қабул маросими ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК МИТИНГИ





«Универсиада» залида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Қаҳрамони Л. И. Брежневнинг БХРга дўстона визитига бағишлаб София меҳнаткашларининг кўпминг кишилик митинги бўлиб ўтди. Минбарда Л. И. Брежнев. ТАСС—УзТАГ телефотоси.

СОФИЯ, 19 сентябрь. (ТАСС). Болгария пойтахти икки кундан бери катта шодиёна воқеа — бу ерга дўстона визит билан келган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни кутиб олиш билан яшамоқда.

София меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари — Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони Л. И. Брежневнинг БХРга қилган дўстона визитига бағишланган кўпминг кишилик митинги бугунги кунининг марказий воқеаси бўлди.

Жуда катта «Универсиада» зали меҳнат коллективларининг энг яхши вакиллари билан, заводлар, фабрикалар, қишлоқ хўжалик корхоналарининг илғорлари, муассасалар, идораларнинг раҳбарлари, болгар халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш ветеранлари, фан, маданият, санъат арбоблари, Болгария Халқ Армиясининг генераллари ва офицерлари, жамоатчилик, ёшлар ташкилотларининг вакиллари билан лиқ тўлди. Зал СССР ва БХРнинг давлат байроқлари, В. И. Ленин ва Г. Димитров портретлари билан безатилган.

Митинг қатнашчилари президиумга чиқиб келган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари — Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони ўртоқ Л. И. Брежневни гўлдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг раиси Т. Живков, Болгария деҳқончилик халқ иттифоқининг секретари, Ватан фронти Миллий Кенгашининг раиси, БХР Давлат Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г. Трайков, БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг раиси С. Тодоров, БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари Ж. Живков, И. Михайлов, И. Попов, П. Кубадинский, Т. Цолов, Ц. Драгойчева ҳамда БХР партияси ва давлатининг бошқа арбоблари у билан бирга президиумдан ўрин олишди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга келган КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, шунингдек КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССРнинг БХРдаги элчиси В. Н. Базовский ва КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари Г. А. Киселев президиумга чиқишади.

Қарсаклар узоқ вақт тинмайди. Зал аҳли «Москва билан абадул-абад биргамиз!», «Ўртоқ Брежневга салом!», «КПСС Марказий Комитетига шон-шарафлар!», «Шон-шарафлар, шон-шарафлар, шон-шарафлар!» деган сўзларни хитоб қилади. Минглаб кишилар ўринларидан туриб Леонид Ильични табриклашади, унга ўзларининг меҳру-муҳаббат, ҳурмат, миннатдорчиликларини изҳор қилишади.

СССРнинг ва БХРнинг давлат гимнлари янграйди. Шундан сўнг оркестр «Интернационал»ни ижро этади.

Яна олқишлар авж олади. Ўртоқ Л. И. Брежневни табриклович, Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги, КПСС билан БКП ўртасидаги, совет халқи билан болгар халқи ўртасидаги мангу бузилмас дўстликни шарафловчи хитоб сўзлари қайта-қайта янграйди.

БКП София шаҳар комитетининг биринчи секретари, БКП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси ўртоқ Г. Йорданов митингни очади.

Шундан сўнг Кремиков металлургия комбинатининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Н. Баевга сўз берилади.

Ундан кейин «Средец» аграр-саноат комплексининг ходими ўртоқ К. Христова сўзлайди.

Болгария Фанлар академиясининг президенти А. Балевский ўртоқ Л. И. Брежневга самимий сўзлар айтади.

Карл Маркс номли олий экономика институтининг студенти Г. Гаврилова Болгария ёшлари номидан ўртоқ Л. И. Брежневни табриклади.

Ўртоқ Т. Живков минбарга чиқади.

Митинг қатнашчилари ўринларидан турадилар, қарсаклар янграйди, зал аҳли бараварига «БКП — КПСС!» деган сўзларини такрор-такрор хитоб қилади.

Т. Живков нутқи қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Митинг қатнашчилари унинг охирги сўзларини ўринларидан туриб тинглашади. Гўлдурос «Ура!» овозлари янграйди. Т. Живков Леонид Ильични қучоқлаб ўпади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилганида қарсаклар ва табрик хитобларини қудратли олқишларга айланади.

Софиядаги митинг икки қардош халқ, қардош партия, социалистик давлатларимиз дўстлигининг қудратли намойиши бўлди.

Ўртоқ Т. ЖИВКОВ нутқи

Азиз ўртоқ Брежнев!
Совет Иттифоқидан келган қадрли ўртоқлар ва биродарлар!
София шаҳрининг граждаларн!
Азиз ватандошлар!

Энг азиз, чинакам қадрдон меҳмонимиз — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, халқимизнинг қалин дўсти, жанговар ўртоғимиз ва оғамиз Леонид Ильич Брежнев тағин бизга ташриф буюрди.

Биз, болгарлар учун руслар билан ва совет кишилари билан учрашувлар шахсий ва ижтимоий ҳаётимизда ҳамиша бизга жуда кўп нарса берадиган, ҳаяжонли ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган қимматбаҳо дақиқалар бўлиб келди. Бизни чуқур қардошлик ва биродарлик бирлаштириб турибди, бизни меҳр-муҳаббат бирлаштириб турибди. Бу меҳр-муҳаббат вужудимизга она сути билан сингиб кетган, биз уни авлоддан-авлодга ўтадиган кон сингари, онамиз Болгариянинг буюк фарзандларига муқаддас мерос сингари авлоддан-авлодга бериб келмоқдамиз. Фашизмга ва капитализмга қарши курашнинг мушкул йилларида шундай бўлиб келди. Бугун ҳам шундайдир, эртага ҳам, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг коммунистик келажагида ҳам шундай бўлаверади.

Қадрли ўртоқ Брежнев, сиз билан тағин учрашиш, дўстлигимизни ва хамкорлигимизни янада ривожлантиришни, халқаро муносабатларнинг проблемаларини биргаликда муҳокама қилиш, сиз, чинакам талантли коммунистик раҳбар ва давлат арбоби билан, сиз, юксак истеъдодли сиймо билан суҳбатлашиш чинакам бахтдир. Ахир, сиз улуғвор ва қудратли мамлакатнинг, партия билан халқнинг намояндасисиз, улар сизни тарбиялаб камолга етказишди, сиз уларнинг намояндасисиз ва уларга раҳбарлик қилмоқдасиз. Сиз улкан шахсий ҳаёт йўлини босиб ўтдингиз ва социализм ҳамда коммунизм қурилишининг, ҳозирги замон революцион жараёнининг туб масалаларини ҳал этишда бой тажриба орттирдингиз.

Лекин сиз билан бу галги учрашувнинг бирта муҳим хусусияти бор: бу хусусият ана шу учрашувни катта воқеага ,биз учун байрам бўлган воқеага айлантиради. Сизга социалистик давлатимизнинг энг юксак унвони — Болгария Халқ Республикаси Қаҳрамони унвони берилиши болгариялик ҳар бир кишининг юрагини тўлқинлантирадиган бу учрашувга сабаб бўлди.

Қадрли Леонид Ильич, сизни тағин бир марта чин кўнгилдан, қизғин биродарларча табриклашга ҳамда сизнинг мукофотланишингизни коммунистлар, бирлашган деҳқонлар, комсомоллар ва партиясизлар, фашизмга ва капитализмга қарши курашнинг қийин, лекин шонли йўлини чексиз садоқат билан босиб ўтган кекса революцион гвардия қаҳрамонлари, социалистик жамиятни илҳом билан барпо этаётган ўрта ва ёш авлод, бутун болгар халқи қувонч билан ва гоят мамнун бўлиб кутиб олганлигини изҳор этишга рухсат бергайсиз. Шу кунларда мамлакатнинг ҳамма томонларидан — заводлардан ва кооператив далалардан, илмий ва маданий муассасалардан, қарбий бўлинмалар ва ўқув юртларидан, комсомол ташкилотлари ва пионер отрядларидан минг-минглаб телеграммалар тўхтовсиз келиб турибди. Бу телеграммаларда халқнинг сизга ва сизнинг ишингизга самимий, чуқур меҳр-муҳаббати изҳор этилган.

Бизнинг қаҳрамон, эрксевар халқимиз улуғ совет халқининг, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ажойиб фарзанди ва раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, жўшқин XX асрнинг йирик сиёсий арбобларидан бири, сиз Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони унвонини юксак шараф деб миннатдорчилик билан қабул қилганлигингиз учун чин кўнгилдан шодланмоқда ва фахрланмоқда.

Болгария пролетариати ва Димитр Благоев асосларан болгар революцион марксчиларининг партияси ўзининг қурашини ва Болгарияда ўзининг синфий мақсадларга эришувини ҳамда ўзининг тарихий вазифасини рўёбга чиқаришини ҳамиша рус пролетариати билан, жаҳонда биринчи ғолиб социалистик революция ва социалистик давлат билан чамбарчас боғлаб келди.

Буюк Георгий Димитров васият қилганидек, Болгар-Совет дўстлигини кўз қорачиғидай асраш биз, болгарлар учун кўпдан буён муқаддас қасам, ҳар бир тирик мавжудотга офтоб билан ҳаво қанчалик зарур бўлса, шунчалик ҳаётий зарур нарса бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Тодор Живков!
Азиз ўртоқ Станко Тодоров!
Болгариялик азиз дўстлар ва биродарлар!

Сиз билан бирга бўлиш, учрашувлар ҳароратини, қардошлик ҳисларингизнинг самимийлигини ва сидқидиллигини, ҳис этиш кишини гоят ҳурсанд қилади. Бизни нақадар кучли дўстлик алоқалари боғлаб турганлигини, болгар-совет дўстлиги нақадар мусаффо ва чуқур, эканлигини, партияларимиз ва халқларимиз учун бу дўстликнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини мана шундай дақиқаларда айниқса ёркин англайсан кишн! **(Гулдурос қарсаклар).**

Бу ерда сўзга чиққан ўртоқларнинг ҳаммасига совет коммунистлари партиясини, мамлакатимизни, совет кишиларини ҳурматлаб айтган меҳр-муҳаббат сўзлари учун чин кўнгилдан ташаккур билдираман. Ҳар бир совет коммунисти, биз-нинг ҳар бир совет кишимиз ҳам сиз, болгариялик ака-укалари ва опа-сингилларини мана шундай меҳр-муҳаббат билан ҳурматламоқдалар, садоқатга садоқат билан, дўстликка дўстлик билан жавоб қайтармоқдалар! **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Ўртоқ Живковга, мана шу минбарда сўзга чиққан бошқа нотиқларга ва сиз, азиз дўстларимнинг ҳаммасига мента Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони Фахрий унвони берилганлиги муносабати билан айтган эзгу сўзларингиз ва изҳор қилган жўшқин ҳис-туйғуларингиз учун ҳам ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдирмасдан ўтолмайман. **(Давомли қарсаклар).** Кечқа ҳам айтиб ўтганимдек, мен кўрсатилган бу юксак шарафни ленинчи партиямизнинг, партиямиз Марказий Комитетининг ялпи тинчликни мустаҳкамлашга, қардош социалистик мамлакатларнинг бутюк дўстлигини мустаҳкамлашга ҳамиша қаратилган сиёсатига кўрсатилган шараф деб биламан. Сиз ўртоқларни ишонтириб айтаманки, умримнинг охирги кунларигача мана шу олижаноб идеалларга содиқ бўлиб қоламан, сизларнинг катта ишончингизни ниш билан оқлашга ҳаракат қиламан. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар бир болгарнинг қалбига қадрли бўлган мана шу мўътабар минбарда турнб сизларга, Софиянинг барча аҳолисига мурожаат қилиб, ажойиб шаҳрингиз, пойтахтингиз, Софиянинг бутун аҳолисини, социалистик Болгариянинг барча граждапларини қизғин табриклаймоқчиман, ҳар бир болгар оиласига бахт ва фарогат тиламоқчиман. Шунингдек, мен кези келганидан фойдаланиб, мени Стара-Загора ва Варна шаҳарларининг фахрий граждани бўлиш шарафига муяссар қилган мана шу шаҳарларнинг аҳолисига энг яхши истакларимни билдиришни ҳам ўзим учун қувончли бурч деб биламан. **(Қарсаклар).**

Шуни айтмоқчиманки, мамлакатингиз учун зўр аҳамиятли бўлган ҳозирги революцион сентябрь ўзида дўстона визит билан Софияга келиш тўғрисида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва шахсан ўртоқ Т. Живковнинг таклифини алоҳида мамнуният билан қабул қилдим. Бундан бир неча кун муқаддам сизлар халқ ҳокимияти ўрнатилганлигининг навбатдаги йилиик байрамини нишонладингиз, яна бир неча кундан кейин эса 1923 йилда фашизмга қарши кўтарилган қўзғолонга ярим аср тўлади. Бу шонли санани сизлар билан бирга бизнинг партиямиз ва совет халқи, бутун дунёнинг коммунистлари ва революционерлари тантаналн нишонлайдилар. **(Қарсаклар).**

Сентябрь қўзғолони фашизм билан биринчи кескин тўқнашув бўлди, Димитр Благоев, Василь Коларов ҳамда марксизм-ленинизмнинг энг кўзга кўринган назариётчиларидан ва халқаро коммунистик ҳаракат арбобларидан бири, болгар халқининг улуғ фарзанди Георгий Димитров сингари атоқли йўлбошчилар тарбиялаган ва синфий жангларга олиб борган революцион партия сентябрь қўзғолонига бошчилик қилди. **(Давомли қарсаклар).**

1923 йилнинг сентябри 1944 йилнинг сафарли сентябри билан энг бевосита, энг тўғри йўл орқали боғланган. 1917 йилнинг октябридан сўнг инсониятнинг бутун тажрибаси каби болгар революциясининг тажрибаси ҳам тарих қонунларининг енгиб бўлмаслигини, социализмнинг галабаси муқаррар эканлигини кўрсатиб турибди. **(Қарсаклар).**

1923 йил сентябри қаҳрамонларининг ишларини давом эттирган ҳамда ўз Ватанининг эркин ва яшнаб турган мамлакат бўлишини, ўз халқининг зўр ва бахтиёр бўлишини орзу қилган болгарларнинг асрий умидини рўёбга чиқарган кишиларни биз азиз дўстлар билан бирга шарафламоқдамиз. Социализм туфайли, коммунистик партиянинг раҳбарлиги туфайли, коммунистларнинг болгар деҳқонлари халқ иттифоқи билан мустаҳкам ҳамкорлигида ўз ифодасини топган ишчилар билан деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи туфайли, қардош социалистик давлатлар билан бирлик ва жипслик туфайли ҳозирги кунда Болгария мана шундай озод ва гуллаб-яшнаётган мамлакат бўлиб қолди. **(Қарсаклар).**

Болгарлар диёрида чинакам революцион тўнтариш бўлди. Бу тўнтариш мамлакатнинг бутун ҳаётига жуда катта бунёдкорлик таъсири ўтказди. Сиз қилган ишларнинг ҳаммасини айтган билан адо қилиб бўлмаса керак. Ҳамма соҳада — саноатда, қишлоқ хўжалигида, ижтимоий муносабатларда, маданиятда, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитида, онгида тўнтариш қилинди. Болгар халқининг маънавий бойликларини сақлаб қолган ва ниҳоят даражада кўпайтирган тўнтариш содир бўлди. Бу тўнтариш ривожланган социализм сари, коммунизм сари дадил ва тез олга бориш учун мустаҳкам негиз яратиб берди. **(Қарсаклар).**

Биз, совет коммунистлари қардош болгар халқининг муваффақиятлари билан фахрланамиз ва ажойиб ватанини янада ривожлантириш ва яшнатиш учун олиб бораётган курашига янги муваффақиятлар тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Халқ оммасининг ишончини қозонган ва ундан мадад олиб турган қардош коммунистлар партиясининг ўзи болгар халқининг тақдирида қолоқликдан эҳтиёткорлик туфайли, қардош социалистик давлатлар билан бирлик ва жипслик туфайли ҳозирги кунда Болгария мана шундай озод ва гуллаб-яшнаётган мамлакат бўлиб қолди. **(Қарсаклар).**

Болгарлар диёрида чинакам революцион тўнтариш бўлди. Бу тўнтариш мамлакатнинг бутун ҳаётига жуда катта бунёдкорлик таъсири ўтказди. Сиз қилган ишларнинг ҳаммасини айтган билан адо қилиб бўлмаса керак. Ҳамма соҳада — саноатда, қишлоқ хўжалигида, ижтимоий муносабатларда, маданиятда, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитида, онгида тўнтариш қилинди. Болгар халқининг маънавий бойликларини сақлаб қолган ва ниҳоят даражада кўпайтирган тўнтариш содир бўлди. Бу тўнтариш ривожланган социализм сари, коммунизм сари дадил ва тез олга бориш учун мустаҳкам негиз яратиб берди. **(Қарсаклар).**

Биз, совет коммунистлари қардош болгар халқининг муваффақиятлари билан фахрланамиз ва ажойиб ватанини янада ривожлантириш ва яшнатиш учун олиб бораётган курашига янги муваффақиятлар тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Халқ оммасининг ишончини қозонган ва ундан мадад олиб турган қардош коммунистлар партиясининг ўзи болгар халқининг тақдирида қолоқликдан эҳтиёткорлик туфайли, қардош социалистик давлатлар билан бирлик ва жипслик туфайли ҳозирги кунда Болгария мана шундай озод ва гуллаб-яшнаётган мамлакат бўлиб қолди. **(Қарсаклар).**

Мана шу йилларнинг ҳаммасида сизлар билан бирга борганлигимиз, Болгариянинг ажойиб муваффақиятларига мамлакатларимизнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги ҳам ўз ҳиссасини қўшганлиги билан фахрланамиз.

Болгарлар диёрида халқларимизнинг асрий дўстлигини, ҳеч қачон ва ҳеч бир дог тушмаган дўстликни ифодаловчи кўпгина ёдгорликлар ўрнатилган. Ҳар бир болгарнинг ва ҳар бир совет кишисининг қалби учун азиз бўлган шу ёдгорликлар билан бир қаторда болгар-совет дўстлигининг замонавий тимсоли бўлган икки социалистик давлат қардошларча ҳамкорлигининг самаралари бўлган ёдгорликлар — янги заводлар, фабрикалар, электр станцияларнинг корпуслари, электр линиялари ва бошқа кўпгина корхоналар осмондек баланд бўлиб кўтарилиб турибди.

Болгария ёш саноатининг негизини ташкил этган 180 та йирик корхоналар ва объектлар қурилганлиги совет-болгар ҳамкорлигининг реал меваси бўлиб қолди. Шу беш йилликда уларга яна 150 та корхона ва объект қўшилади. Бултурги йилдан бошлаб Болгария Халқ Республикасининг энергетика системаси Совет Иттифоқининг энергетика системаси билан туташтирилди. Ҳозир қурилаётган газ қувури орқали тез орада Болгария мамлакатимиздан газ оладиган бўлиб қолади. Минглаб болгар ишчилари ва мутахассислари совет ерида Болгария халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга маҳсулот бераётган корхоналарда ўзларининг совет қардошлари билан ёнма-ён туриб, меҳнат қилмоқдалар. Болгария саноатининг буюмлари ва Болгария қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари мамлакатимизда яхши шуҳрат қозонганлигига анча вақт бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси, ўртоқлар ва дўстлар, эндиликда Совет ва Болгария экономикасининг томирлари бир-бирн билан мустаҳкам туташиб, кетаётганлигини яққол кўрсатувчи мисоллардир.

Совет-болгар ҳамкорлигининг доираси ҳақиқатан чексиз бўлиб қолди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, халқларимизнинг қардошларча бирлигини ўзида акс эттирмаган соҳа жамиятимиз ҳаётида йўқ. Коммунистик партияларимиз ўрасидаги муносабатлар бу дўстликни метинлаштираётган кўндир. Партияларимизнинг бирлиги ва қардошлиги сиёсий иттифоқимизнинг ҳақиқатан бузилмас негизидир. Халқларимиз, давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро муносабатларнинг ўзагидир. **(Гулдурос қарсаклар).** Ҳозирги вақтда дўстлигимиз янада кенг ривожлана бораётганлиги, муттасил давом этаётган бизнинг яқинлашувимиз ҳар иккала партиямиз изчиллик билан ва огишмай ўтказиб келаётган йўлнинг табиий ва қонуниятли давомидир.

Болгария Коммунистик партияси

(Давоми 2-бетда).



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 19 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери, учинчи стун — шу жумладан машина терими — бир кунлик ўсиш, тўртинчи стун — мавсум бошидан бери.

Пискент	2,83	11,19	2,98	7,88
Чиноз	2,08	10,49	1,76	3,64
Бекобод	2,53	9,69	2,76	5,74
Янгийўл	1,67	9,28	1,27	2,49
Ўрта Чирчиқ	1,39	5,89	1,33	3,41
Бўка	1,47	5,69	1,34	2,54
Юқори Чирчиқ	1,07	3,60	0,77	1,19
Оққўрғон	0,83	3,23	0,10	0,17
Область бўйича	1,62	6,84	1,36	3,03

ЎРТОҚ Т. ЖИВКОВ НУТҚИНИНГ ДАВОМИ

(Боши биринчи бетда).

Партиямиз Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1956 йил тарихий апрель пленумидан кейин болгар—совет дўстлигини ҳамиша чуқурлаштириш, ҳаётнинг барча соҳаларида Болгария билан Совет Иттифоқи ўртасида борган сари тўлароқ яқинлашиш ва ҳар томонлама интеграция йўлини оғишмай амалга ошириб келмоқда. Апрель пленумида белгиланган ана шу йўл болгар—совет дўстлигини жонажон ишга, бутун болгар халқининг тақдирига, социалистик юксалишимизнинг буюк моддий кучига айлантирди.

БКП билан КПСС ўртасида, Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳамиша қардошларча ҳамкорлик бўлиб келди. Лекин бу қардошларча ҳамкорлик кейинги ўн йил мобайнида янада кўпроқ алоҳида куч билан яшнаб кетди. Бугун биз халқларимизнинг озодлик ва социализм йўлидаги энг буюк ва ажойиб ғалабаларидан бири бўлган болгар—совет дўстлиги озод социализм дунёсида халқаро ва давлатлараро муносабатларнинг намунаси деб айтишимиз учун ҳамма асослар бор.

Болгария Халқ Республикаси билан СССРнинг биродарлиги ва ҳамкорлиги энди янги босқичга қадам қўйди. Бу биродарлик ва ҳамкорликнинг моҳияти мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги ҳар томонлама яқинлашиш ва интеграция жараёнларининг сифат жиҳатидан янги мазмун касб этганлигидан иборат. Бу биродарлик ва ҳамкорликнинг моҳияти уни социалистик Болгариянинг ривожланишини Совет Иттифоқи билан ягона бир меъёрга, ягона бир мезонга эга бўлган даражага етказишдан, сиёсий, иқтисодий, идеологик, илмий, маданий ва ҳарбий соҳаларда биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, баҳамжиҳат ҳаракат қилинишига эришишдан иборатдир. Хуллас, эндиликда биз ҳар тарафлама қардошларча ҳамкорлигимизни шундай ривожлантиришимиз керакки, бизлар юрак-бағри ягона организмдек ҳаракат қила оладиган бўлайлик.

Болгария Коммунистик партиясининг программаси ва конституцияси билан нурафшон бўлган ана шу янги босқич халқларимизнинг бахт-саодати учун интернационализм ва коммунистик идеалнинг тантанаси учун ҳали янада мўл-кўл самаралар беради. Партиямиз ва халқимиз бунга астойдил ишонади.

Совет Иттифоқидан келган ҳурматли дўстлар!

Ўртоқлар!

Болгария Коммунистик партияси, ишчилар синфи, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ва халқ зиёлилари бугун партия X съездининг тарихий қарорлари ва йўл-йўриқларини бажариш учун фидокорона меҳнат ва курашга отландилар. Халқ партиянинг йўли ва сиёсати атрофида, унинг Марказий Комитети атрофида тош-метиндек жипслашган, жамиятимиз барча табақалари ва авлодларининг ижтимоий-сиёсий активлиги ва баланд руҳи яққол намоён бўлиб турибди. Бутун мамлакат баланд руҳ билан яшамоқда. Муқобил планлар муваффақиятли бажарилмоқда, олтинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили, 1973 йил плани ортиғи билан бажарилмоқда. Биз Совет Иттифоқининг ёрдами билан мана шу беш йилликнинг ўзидагина 150 га яқин корхона ва объект қурамиз. Булар қаторида Козлодуй яқинидаги атом электр станцияси, Девна саноат комплекси, Свиштовдаги «Свилоза» комбинати, Кремиков металлургия комбинатининг биринчи навбати сингари тараққиётимиз учун улкан ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бошқа кўпгина корхона ва объектлар бор. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ҳам яхши натижалар бермоқда — йилнинг серҳосил бўлиши кутилмоқда. Фан, санъат ва адабиёт янги ижодий юксакликларга эришди. Социалистик қурилишнинг еттинчи беш йиллик плани жадал ишлаб чиқилмоқда ва СССР ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан келишиб олинмоқда.

Мамлакатимиз эркин ҳаётнинг ўттизинчи йилига қадам қўйди. Мамлакатимизнинг ҳали ҳам қийинчиликлари, ўзининг ҳал этилмаган проблемалари ҳам бор. Лекин биз ана шу 30 йил мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишда, социалистик жамият қурилишида нимагаки эришган бўлсак, бу ғалабалар ўзининг миқёслари ва аҳамияти жиҳатидан бутун бир даврга тенглаша олади. Шунинг учун ҳам ана шу ютуқларимиз билан фахрланишимиз учун барча асосларимиз бор. Биз шуни ҳам тўла англаймизки, халқаро социалистик интеграцияни ҳамиша кенгайтирмасдан ва чуқурлаштирмасдан туриб, буюк Совет Иттифоқининг қардошларча ва беғараз ёрдамисиз ана шу ютуқлар қўлга киритилмаган бўлур эди. Шунинг учун ҳам биз бошқа социалистик мамлакатлар билан тобора яқинроқ ҳамкорлик қилишнинг синалган йўлидан, ҳаётнинг барча соҳаларида Болгария билан Совет Иттифоқи ўртасида тобора тўла-тўкисроқ яқинлашишнинг синалган йўлидан янада ишонч ва қатъият билан бораверамиз.

Ўртоқлар!

Кейинги йилларда халқаро муносабатларни ризожлантиришда сезиларли ижобий силжишлар рўй берди.

Болгария Коммунистик партияси билан болгар халқи ялпи тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро вазиятни юмшатиш соҳасида КПСС ва Совет Иттифоқи қилаётган ғоят буюк хизматларни чуқур миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтадилар. Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг яқинда Қримда бўлиб ўтган учрашуви улар биргаликда ишлаб чиққан ташқи сиёсат йўлини амалга оширишда эришилган ижобий натижаларга юксак баҳо берди.

Мамлакатларимиз жипслиги ва бирлиги ўсиб бораётганлиги биз учун энг муҳим натижадир. Бу аниқ кўзга кўриниб қолган тенденция ҳозир жаҳон социалистик системаси тараққиётининг асосий йўналишидир. Етук социализм қуриш босқичида социалистик мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг объектив равишда зарурлиги бу тенденцияга асос бўлмоқда. Шу сабабли ҳеч шубҳа йўқки, бу объектив заруриятни нақадар кўпроқ ва зийраклик билан ҳисобга олаверсак, олға томон шу қадар муваффақиятлироқ ва тез бораверамиз. «Совуқ уруш»дан кескинликни юмшатишга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини барқарор қилиш томон бурилиш рўй берганлиги жаҳон социалистик системасининг, бутун дунёдаги тинчлик ва тараққиёт кучларининг йирик ғалабаси бўлди.

Ўртоқ Брежневнинг Америка Қўшма Штатларига, Францияга ва Германия Федератив Республикасига қилган визитлари бу мураккаб жараённинг ривожланишида тарихий роль ўйнади. Мана шу визитлар, имзоланган битимлар ҳамда ҳужжатлар ва, аввало, ядро урушининг олдини олиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида имзоланган битим халқаро муносабатларнинг бутун соҳасида чуқур ва ўчмас из қолдирди. Кескинликни юмшатиш борасида бошланган жараён нақадар чуқур ривожланаверса ялпи тинчликни мустаҳкамлаш йўлида совет мамлакати томонидан қилинган катта ташаббусларнинг самарадорлиги шу қадар кўпроқ намоён бўлаверади, тараққийпарвар инсониятнинг улуғ Совет Иттифоқига бўлган ташаккури шу қадар кўп ўса беради.

Биз реалистлармиз ва албатта, жаҳонда реакцион ва шу билан бирга нуфузли кучлар борлигини, улар ўзлари лойқатган сувда балиқ овлашни умид қилиб халқаро кескинликнинг юмшатилишига қарши курашаётганликларини ва курашажакларини яхши биламиз. Халқ мақолида айтилганидек, букрини гўр тузатади.

Қийин аҳволга тушиб қолган ашаддий антикоммунистларга турли хил оппортунистлар ёрдам беришга ошиқмоқдалар. Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари айниқса кўпроқ активлик қилмоқдалар. Хитой партияси ва ҳукуматининг раҳбар арбоблари, биров сўрайдими ёки сўрамайдими, баҳона топиладими ёки топилмайдими, бунга қарамай, КПССга ва Совет Иттифоқига, Европадаги социалистик мамлакатларга нуқул туҳмат, ғазаб ва нафратдан иборат қаҳрли гапларни айтаверадилар. Улар реакциянинг қутурган итларини далда бериб гиж-гижламоқдалар, урушқоқ реваншчилар ва милитаристларни олқишламоқдалар. Улар НАТО мамлакатларига «эсингизни йиғиб олинглар», кескинликни юмшатиш сиёсатига берилманглар, деб, Европада тинчлик ва хавфсизлик масалаларига бағишланган кенгашни бузинглар, Совет Иттифоқига қарши курашда ўз сафларингизни жипслаштиринглар, деб «даъват этмоқдалар». Кўриб турибсизки, Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари ўзларининг бетларидаги «ўта революционлик» ниқобини улоқтириб юбордилар, «қоғоз йўлбарс» билан курашни унутдилар. «Сўл» дабдабали гаплардан воз кечдилар. Энг реакцион империалистик доиралар билан ҳамкорлик қилиб, хоинлик йўлига тушиб олган маочилар соткинликда шу даражага бориб етдиларки, энди улар Совет Иттифоқига ва жаҳон социалистик ҳамдўстлигига қарши иккинчи фронт очдилар. Барча антисовет ва антикоммунист кучларни иттифоқ тузишга ошкора даъват қилмоқдалар.

Империалистик реакциянинг ва у билан бирлашаётган оппортунизмнинг халқ зиддига ва инсоният зиддига қилаётган ҳаракатлари тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ишига зарар етказмоқда. Лекин улар тарих ғилдирагини ҳам тўхтата олмайдилар, тинч-тотув яшашни доимийлаштиришга ва уни янада ривожлантиришга қаратилган қатъий азму қарорни ва изчил фаолиятни ҳам бўшаштира олмайдилар.

Биз бораётган йўл — тўғри йўл, биз ўтказаётган йўл — ленинча йўлдир. Шунинг учун ҳам биз, болгар коммунистлари ва барча меҳнаткашлар Сиз, азиз ўртоқ Брежневни, азиз совет ўртоқларимизни ва биродарларимизни ишонтириб шуни айтмоқчимизки, мана шу бирдан-бир тўғри, коммунистик йўлда ҳамиша Сизлар билан ёнма-ён бўламиз ва қалбимиз Сизларнинг қалбингиз билан бир маромда уради.

Ўртоқлар!

Шонли сентябрь қўзғолонининг 50 йиллигини тантанали нишонлашга биз тайёргарлик кўраётган шу кунларда контрреволюцион буржуазиянинг қонли ёвузликлари жаҳонни яна ларзага солди.

Латин Америкасидаги Чили Республикаси биздан узоқ бўлса ҳам, лекин унинг қалби бизга яқин. Қаҳрамон чили халқининг, ишчилар синфининг, деҳқонларининг, зиёлиларининг, Чилидаги ёш авлоднинг ўз ватанини қайта қуриш, меҳнатчиларга инсонга муносиб яшаш шароитини яратиб бериш йўлида қилаётган ҳаракатларини бизнинг халқимиз чуқур хайрихоҳлик ва самимий меҳрибонлик билан кузатиб турди. Чилидаги демократик кучларнинг мавжуд буржуазия конституцияси доирасида социалистик ўзгаришларни амалга ошириш учун олиб борган ва «Чили эксперименти» деб номланган кураш тараққийпарвар инсоният учун жуда катта аҳамиятга эга уриниш бўлди.

Контрреволюцион буржуазия бу экспериментга чек қўйишга ошиқди. Қонуний ҳукумат ағдариб ташланди. Президент Сальвадор Альенде ўлдирилди. Бедарак йўқолган, қамоққа олинган, турмаларга, полиция участкаларига, янги ташкил этилган лагерларга ташланган кишиларнинг тақдири нима бўлганлигини ҳеч ким билмайди.

Болгар коммунистлари, бирлашган деҳқонлар, ватанпарварлик фронтининг аъзолари, болгар ёшлари ҳаддан ошиб қутураётган реакцияни қаҳр-ғазаб билан қоралаб, «террорни тўхтатинглар!» деб талаб қилмоқда.

Чили революциясининг жаллодларига нафратимиз ва Чили қаҳрамонлари билан қардошларча бирдамлигимиз чексиз. Бу ҳарбийларнинг ва полициячиларнинг этиклари остида эзилган, фашист жаллодларнинг шайкалари томонидан тилка-пора қилинган халқнинг нафрати ва бирдамлигидир. Чилидаги реакция устидан демократия ва социализмнинг ғалаба қилишига бўлган ишончимиз чексиз, чунки бу ишонч ҳарбий-фашист тўнтаришларни ҳамда қўзғолонларнинг тор-мор келтирилишини бошидан кечирган ва ўз иродаси билан амалга оширилган улуғ кунга етиб келган болгар революцион кучларнинг ва болгар халқининг ўз тажрибасига асосланади.

Социалистлар билан коммунистларнинг бирлигини изчиллик билан амалга ошириб келган, тинчлик халқаро Ленин мукофотининг лауреати, Димитров мукофотининг лауреати бўлган Сальвадор Альенденинг порлоқ хотираси олдида бош эгамиз. Эркинликни ва демократияни ҳимоя қиламан деб ботирларча ҳалок бўлган чилилик бошқа ўртоқларнинг хотираси олдида бош эгамиз. Уларнинг ҳаёти социалистик идеалга фидокорона хизмат қилиш намунаси бўлиб қолади, ишчилар синфининг душманларга қарши, меҳнаткаш халқнинг бахт-саодати учун курашда бирликка тобора кўпроқ интилаётган коммунистларни ва социалистларни руҳлантираверади.

Чили ва жаҳон реакцияси Сальвадор Альендени ўлдиришди. Лекин ўлдирилган Альенде уларнинг жиноий йўлида тириклардан ҳам кўра тирик ғов бўлиб қолади, улар ҳар қанча фитналар қилсалар ҳам, тўнтаришлар қилсалар ҳам, ўқлар отсалар ҳам, бу ғовни йўқота олмайдилар!

Мағрур чили халқи ҳарбий фашистлар тўнтариши билан муроса қилмайди. Чилида ҳозир социализмга гўр қазиётган кимсалар бу гўрга ўзлари тушишларига имонимиз комил. Чили реакцияси социалистик революцияни тинч ривожлантириш йўлини рад этди. Унинг ўзи синфий уруш йўлини танлаб олди. Шу сабабли биз мана шу урушда революцион оммадаги одилона ғазабнинг зарбалари остида Чили реакцияси ҳалок бўлишига заррача шубҳаланмаймиз, чунки революцион оммани қўлга қурол олишга Чили реакциясининг ўзи мажбур этди.

Ҳалок бўлган шоиримизнинг «Сентябрь май бўлажак!» деб башорат берган сўзлари чили халқи учун ҳам ҳақ сўздир, ўртоқлар.

Муҳтарам ўртоқлар!

Халқимиз ўзининг оғаси рус халқига асрлар бўйи интилиб келди; у Россияни, Совет Иттифоқини ўзининг умиди ва таянчи деб билди; руслар ҳам, совет кишилари ҳам унинг муҳаббатини ҳамиша ардоқладилар. Унинг ҳис-туйғуларига тарихда мисли бўлмаган қардошлик ҳислари билан жавоб қилдилар. Ўзи ва ишлари Совет Иттифоқининг ва совет кишиларининг мамлакатимизга ва халқимизга муносабатларини ифодаловчи жонли тимсол бўлган Леонид Ильич Брежневга Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони унвони берилганлиги партияларимиз ва халқларимизнинг биллурдек мусаффо қардошлигини яна бир марта ёрқин акс эттирди.

Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони қадрдонимиз Леонид Ильич Брежневни Сиз, азиз ватандошлар номидан қардошларча қучоқлаб ўпишга ва унга сиҳат-саломатлик тилашга ҳамда унинг коммунистик ғояларнинг тантанаси ва меҳнаткаш инсониятни бахтиёр қилиш учун курашга бағишланган буюк ишига, ҳар бир болгарга, ҳар бир болгар коммунистига, ҳар бир болгар меҳнаткашига, ҳар бир болгар қалбига бениҳоя яқин ва азиз бўлган ишида янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Биллур сингари мусаффо ва ҳаётбахш болгар—совет дўстлиги яшасин ва асрлар бўйи омон бўлсин!

Болгария Коммунистик партияси билан КПСС ўртасида, Болгария билан Совет Иттифоқи ўртасида, болгар халқи билан совет халқи ўртасида халқларимизнинг қони билан ҳамда муштарак марксизм-ленинизм идеаллари ва қарашлари билан жипслашган бирлик — амалдаги социалистик интернационализмнинг намунаси, қардошлик муносабатларининг, ғоявий фикрдошликнинг ва революцион ҳаракат бирлигининг тимсоли бўлган бирлик мустаҳкамлансин ва яшнайверсин!

Яшасин тинчлик!

Яшасин коммунизм!

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИНИНГ ДАВОМИ

(Боши биринчи бетда).

Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорликни ва ҳаракат бирлигини тобора мустаҳкамлаш йўлини ўтказиб келмоқда. Бу йўл Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг июль Пленумида тағин ҳам зўр куч билан таъкидланди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси социалистик Болгарияга нисбатан ҳар томонлама ҳамкорликни ва ҳаракат бирлигини тобора мустаҳкамлаш йўлини ўтказиб келмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар, Болгария Коммунистик партиясининг Марказий Комитети билан, унинг мўътабар раҳбари, болгар халқининг содиқ фарзанди халқаро коммунистик ҳаракатининг кўзга кўринган арбоби, яхши дўстимиз ва жанговар ўртоқ Живков билан ўзаро ишончга асосланган қардошларча муносабатларимизни КПСС Марказий Комитети юксак қадрлайди. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Шу муносабат билан мен ўртоқ Живков бошчилигида Болгария партия-ҳукумат делегацияси бултур ноябрда Совет Иттифоқига визит қилиб келган вақтида олиб борилган совет—болгар музокараларининг катта аҳамиятини айниқса уқтириб ўтмоқчиман. Бундай учрашувлар ҳамкорлигимиз уфқини равшанроқ кўришимизга, тағин ҳам дадилроқ бўлиб олға боришимизга ёрдам беради. Шу вақтгача шундай бўлиб келди, ўртоқлар бундан буён ҳам шундай бўлаверади! **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Ҳурматли дўстлар! Энди бизнинг Совет мамлакатимиздаги аҳвол тўғрисида қисқача айтиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Яқинда совет саноатининг бу йилги саккиз ой ичидаги иш якунлари эълон қилинади. Статистиканинг кўринишда қуруқ бўлган рақамларига бир назар солинг: планга кўра бу йил саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 5,8 процент кўпайтириш мўлжаллаб қўйилган эди. Ҳақиқатда саккиз ой ичидаги ўсиш 7,4 процентни ташкил этди. Мамлакатимизнинг ишчилар синфи партиянинг беш йилликнинг бу йилги, учинчи йилини зарбдор меҳнат йили қилайлик деган чақириғига ана шундай амалий жавоб берди.

Ҳозир бизнинг ишлаб чиқариш коллективларимизда келгуси, 1974 йил планларини тузиш йўлида катта ишлар қилинмоқда. Диққатга сазовор бўлган бир нарсани айтиб ўтай. Меҳнаткашларнинг муқобил планлари ва таклифлари идораларимизнинг дастлабки мўлжалланган рақамларидан ошиб кетмоқда. Миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг ғайрати, ташаббускорлиги, меҳнатдаги фидокорлиги, ўртоқлар, муваффақиятларимизнинг бош манбаидир. В. И. Ленин таълим бериб айтганидек, биз, коммунистлар ўзимиз бошлаган ишларимизнинг ҳаммасида энг мўъжизакор кучга — ишчилар билан деҳқонларнинг кучига таянамиз. Бу куч энг дадил орзуларни ва режаларимизни рўёбга чиқаришга қодир. **(Давомли қарсаклар).**

Бултур қишлоқ хўжалигимиз нақадар қаттиқ қийинчиликларга учраганлиги Сизларга маълум. Бу қийинчиликларни муваффақият билан енгдик. Бу— совет колхоз-совхоз тузумининг катта ғалабаси бўлди. Бу— қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни чуқур интенсивлаштириш борасида партия ўтказиб келаётган йўлнинг тўғрилигини исботлаб берди. Бу — табиий офат билан қилинган чинакам жангда ютиб чиққан колхозчилар, совхоз ишчилари, шаҳар меҳнаткашлари ва Совет Армияси жангчилари шижоатли меҳнатининг натижаси бўлди.

Бу йил мамлакатимизнинг жуда кенг далаларида айтиш мумкинки, яхши ҳосил етиштирилди. Тўғри, ҳозирги кунда ҳам табиат бизга инжиқликлар қилиб турибди: Совет Иттифоқининг кўпгина районларида сурункасига қаттиқ ёмғир ёғиб турган шароитда ғалла ўриб олинмоқда. Узил-кесил рақамлар қанча бўлишини ҳозир айтиш эртароқ бўлади албатта. Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай ўриб-йиғиб олмоқ учун мамлакатнинг айниқса шарқий районларида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Ўрим-йиғим маъракасининг тинч далаларда, ишнинг долзарб бораётганлиги одамларнинг жонжаҳд билан ишлаётганлиги жиҳатидан жанг майдонини эслатади, десам муболаға бўлмайди. Табиатнинг инжиқлигига қарамай, одамлар ўз бурчларини бажармоқ учун кучларини аямаётирлар.

Ўзларингизга маълумки, Россия Федерациясидаги областлар, ўлкалар ва автоном республикаларнинг дала меҳнаткашлари бу йил давлатга камида уч миллиард пуд дон сотиш, Украина ва Қозоғистон меҳнаткашлари шу республикаларнинг ҳар бирида давлатга камида бир миллиард пуд дон сотиш мажбуриятини олганлар. Бизнинг бошқа республикаларимиз ҳам юксак марраларни белгиладилар. Ғалланинг ялпи ҳосили ўтган йиллардаги даражадан анча ошиб кетади деган умиддамиз. Пахта, қанд лавлаги ва бошқа бир қанча экинлардан ҳам мўл ҳосил олинади, деб кутилмоқда.

Мамлакатда халқ фаровонлигини яхшилашнинг кенг программаси планли равишда амалга оширилмоқда. Партия XXIV съезди белгилаб берган режаларнинг ҳаммаси албатта бажарилишига аминмиз. Ҳар бир совет оиласи яхши моддий шароитда яшайдиган бўлиши, шинам, замонавий уй-жой билан таъминланиши, хилма-хил ва яхши истеъмол буюмларини тобора кўпроқ олавериши, маданиятнинг барча неъматларидан фойдаланавериши учун партия ҳамма чораларни кўраверади.

Биз бу соҳада ҳали кўп иш қилишимиз керак, ҳақиқатан ҳам биз бу ишни қатъият ва матонат билан қилаверамиз, энди ҳамма нарсадан мамнунмиз, ҳамма вазифаларни ҳал қилиб бўлдик, деб айтиш нотўғри бўлур эди.

Сизларга маълумки, коммунистлар эришилган натижаларга танқидий баҳо беришга, қилинган ишлар билан хотиржамланмасликка одатланганлар. Планларимизнинг тақдири, мамлакат қудратини ўстириш, халқ турмушини яхшилаш оқибат натижада бутун халқнинг зўр бериб меҳнат қилишига ва айниқса меҳнат унумдорлигини ўстиришга боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ленин васиятига амал қилиб, партиямиз ҳар доим меҳнаткашларнинг мададидан, уларнинг ақл-заковатидан, билимидан, юксак даражадаги гражданлик онглилигидан куч олиб келди ва куч олмоқда. Меҳнаткашларга ҳар сафар шундай мурожаат қилиш ажойиб самаралар бераётир. Ички ишларда, коммунистик қурилиш фронтларида ҳам, ташқи ишларда—тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун олиб борилаётган курашда ҳам барча ютуқларимиз ва ғалабаларимизнинг гарови мана шунда. **(Давомли қарсаклар).**

Кескинликни юмшатиш ишида кейинги йилларда эришилган катта ютуқларни ўзида мужассамлаштирган катта ишларни, шартномалар ва битимларни бу ерда яна бир марта санаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, ўртоқлар. Бу ютуқлар биргаликда қилган актив ишларимизнинг ва курашимизнинг кўп жиҳатдан натижаси эканлиги билан фахрланишга сизлар билан биз мутлақо ҳақлимиз.

Мен бу ерда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ташқи сиёсатинигина эмас, шу билан бирга халқларимизнинг, партияларимизнинг социалистик тузумни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз экономикасини юксалтириш ва мудофаа қобилиятини ошириш, улар ўртасида қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ҳамма ишларини ҳам назарда тутаётирман. Келгусида ҳам социализм ва коммунизм қуришдаги, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш ишидаги ютуқларимиз планетамизда узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик учун курашдаги янги муваффақиятларимизнинг энг тўғри, энг ишончли гарови бўлишига аминмиз. **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Социалистик ҳамдўстликни янада ривожлантириш, иқтисодий интеграция ишини олға силжитиш, халқаро майдонда биргаликда қилаётган ҳаракатларимизни координациялаш йўллари яқинда Қримда бўлиб ўтган учрашувда социалистик мамлакатлар қардош партиялар раҳбарларининг диққат марказида турди. Бу йўлда олиб борилаётган ишнинг аҳамияти тўғрисида гапириб ўтириш даркор бўлмаса керак. Чунки социалистик давлатларнинг иттифоқи жаҳон социализмининг янги ютуқлари учун, революцион ҳаракатнинг янги ғалабалари учун, ер юзида мустаҳкам тинчликни сақлаб туриш учун ҳал қилувчи омилдир.

Тинчлик учун курашда барча қитъаларда тинчликсевар давлатлар орасида социализм мамлакатларининг иттифоқчилари кўп. Капиталистик мамлакатларда реализм позицияларида туриб, халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф қилишга тайёр эканликларини кўрсатаётган ҳукуматлар билан тинчлик проблемалари борасидаги ҳамкорлигимиз кескинликни янада юмшатишни таъминлашда анчагина роль ўйнамоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, халқаро майдондаги синфий кураш— социализм билан капитализмнинг бир-бири билан кураши давом этмоқда. Турли ижтимоий системаларга мансуб бўлган давлатларнинг бир-бирига бутунлай қарама-қарши бўлган социал тузуми, шу давлатлардаги ҳукмрон идеологиялар аввалгидек сақланиб турибди. Йирик сиёсий масалаларга ёндошишдаги келишмовчиликлар сақланиб турибди. Кескинликни юмшатишга қарши чиқаётган, инсониятни «совуқ уруш»нинг муз даврига яна қайтариш орзусида бўлган кучлар ҳали сира ҳам таслим бўлганларича йўқ.

Халқаро иқлимни кескин равишда барқарор соғломлаштириш имконияти мавжудлигига биз ва бизнинг иттифоқчиларимиз қатъий аминмиз. Халқаро муносабатларнинг янги системаси, суверенитет, ички ишларга аралашмаслик принципларига риоя қилишга, тузилган шартномаларни ва битимларни оғишмай бажаришга, мана шуларнинг ҳаммасига ҳалол ва изчиллик билан, ҳеч бир лўттибозлик қилмай ва найранглар ишлатмай риоя қилишга асосланган янги система вужудга келтирилиши мумкин ва лозим деб ҳисоблаймиз. Лекин бунинг учун бутунлай бошқача ёндашиш, бошқача методлар билан иш олиб бориш, чамаси, шу дамгача мавжуд бўлиб келганидан ўзгачароқ психология бўлиши лозим, албатта.

Биз ўз томонимиздан халқаро вазиятда вужудга келган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаб қолиш ва ривожлантириш учун ҳамма чораларни кўришга интилмоқдамиз, шу дамгача ҳал этилмай ётган халқаро проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф этишни талаб қилмоқдамиз.

Шу билан бирга, ўртоқлар, бизнинг ташқи сиёсатимиз ҳар доим синфий, социалистик сиёсат бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бошқа қардош партиялар ва социалистик мамлакатлар сингари бизнинг партиямиз, бизнинг совет мамлакатимиз ҳам агрессияга ва халқларнинг озодлик курашини бостиришга қатъий равишда қарши чиқмоқдалар. Бу кураш, масалан, хоҳ араб халқларининг агрессор босиб олган ерларни озод қилиш учун олиб бораётган кураши бўлсин, хоҳ Ҳинди-Хитой халқларининг чет эл интервенциясига қарши олиб бораётган кураши бўлсин, ёки Латин Америкаси халқларининг ўз мамлакатларининг тўла мустақиллиги учун, иқтисодий ва социал тараққиёт учун олиб бораётган кураши бўлсин, мана шу курашга қизғин бирдамликларини ҳамиша изҳор қилмоқдалар.

Шу кунларда совет коммунистлари ва бутун совет халқи Чили меҳнаткашларига синфий бирдамлик ҳисларини ва Чили реакциясининг қонли жиноятларидан ниҳоят даражада ғазабланганликларини алоҳида куч билан изҳор этмоқдалар.

Ўртоқ Тодор Живков шу минбарда нутқ сўзлаб, болгар коммунистларининг Чилидаги воқеаларга муносабати ҳақида жуда тўғри, ёрқин, чуқур эътиқод ва ғазаб билан гапирди. Мен ҳам ана шу воқеалар ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Бу соҳада бизнинг позицияларимиз тамомила бир хил—бу эса барча масалаларда бизнинг муштарак бузилмас якдиллигимизнинг яна бир ифодасидир.

Чили Халқ бирлиги блокининг ҳукумати катта тарихий аҳамиятга эга бўлган олижаноб мақсадни: меҳнаткашларнинг, яъни халқларнинг катта кўпчилигининг актив иштироки билан меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб жамиятни тинч йўл билан, қатъий қонунчилик доирасида қайта қуриш вазифасини ўз олдига қўйган эди. Лекин эксплуататор синфлар ва уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган реакцион ҳарбий юқори табақа бунга индамай қараб туришни истамади, халқнинг манфаатлари ва иродаси билан ҳисоблашмади. Синфий нафрати ҳаддидан ошган, чет эллардаги империалист кучлар томонидан рағбатлантирилаётган ва қўллаб-қувватланаётган эксплуататор синфлар мамлакатнинг нормал ҳаётини бузиш учун ҳамма чораларни кўрдилар, зўравонлик, ҳарбий диктатура ўрнатиш ва террор қилиш йўлига ошкора тушиб олдилар. Реакция қонуний ҳукуматни зўравонлик билан ағдариб ташлашдан қайтмади. Халқ сайлаб қўйган мамлакат президенти ва республика қуролли кучларининг олий бош қўмондони ўлдирилди. Контрреволюционерлар танкларни ва артиллерияни ишчиларга қарши ишга солдилар, халқ ишига содиқ бўлган тараққийпарвар арбоблардан йиртқичларча ўч олмоқдалар.

Совет кишилари бу ёвузликлардан ғазабланиб, бундай ёвузликларни тўхтатишни талаб қилмоқдалар. Чилида империалистик террор қурбони бўлган садоқатли ўғил ва қизларнинг ҳалок бўлганлиги бизни чуқур қайғуга солди. Чили Республикасининг қаҳрамонларча ҳалок бўлган Президенти, халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун халқаро Ленин мукофотининг лауреати Сальвадор Альенденинг порлоқ хотираси олдида бош эгамиз. У ҳозирги замондаги сиёсий турмушнинг энг покиза ва олийжаноб зотларидан бири эди. Халқ ишига охиригача содиқ бўлиб қолди ва бунинг учун ўз жонини қурбон қилди. Унинг шижоати чили меҳнаткашларини ва бошқа кўпгина мамлакатлардаги меҳнаткашларни эркинлик, тинчлик ва тараққиёт учун курашда янги, шонли ишларга руҳлантираверади. Реакционерларнинг ҳеч қандай йиртқичлиги Чилидаги эрксевар халқнинг мағрур руҳини бука олмаслигига, Латин Америкасининг бошқа мамлакатларида эркинлик, демократия ва тараққиёт сари тинимсиз интилишни тўхтатаолмаслигига қатъий аминмиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар, жанговар постда ҳалок бўлган Чили Республикаси Президенти Сальвадор Альенде хотирасини ҳамда Чили халқининг реакция террори қурбони бўлган барча фарзандлари хотирасини ўрнидан туриб ҳурмат билан эслашни таклиф қиламан (Ҳамма ўрнидан туради, залда сукут чўкади).

Социалистик ҳамдўстликнинг барча мамлакатлари каби Совет Иттифоқининг ҳам ташқи сиёсати Ленин васиятига садоқат билан, империализм, уруш ва реакция кучларига зарба бераверишга, халқлар ўртасида тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга тайёр турган кишилар билан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисидаги васиятга садоқат билан суғорилган. Бу борада ҳам, ўзларингизга маълумки, азиз дўстлар, биз Европа қитъасида биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, анчагина ишлар қилдик ва яна кўпгина ишлар қилишимиз керак.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Женевада иккинчи босқичи бошланди. Ташқи ишлар министрлари Хельсинкида тузуккина пойдевор қўйганларидан кейин Женевада ҳам ишчанлик ва ижобий вазият вужудга келтирилиши зарур. Бизнинг фикримизча, бундан буён қилинадиган ишнинг мақсади шуки, кенгашнинг якунловчи босқичи учун керакли ҳужжатларнинг лойиҳаларини ортиқча чўзмасдан тайёрлаб бериш керак. Кенгашнинг якунловчи босқичини бу йилнинг ўзидаёқ ўтказиш жуда мумкин ва мақсадга мувофиқ эканлигига аминмиз.

Модомики, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Европа хавфсизлиги масалалари ҳал этилишидан, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг ривожлантирилишидан ғоят манфаатдорликларини изҳор қилаётган эканлар, уларни бироз исканжага олиб, баъзи бир масалаларда ён беришга мажбур қилсак бўлмасмикин, деган гапларни баъзан ғарбда эшитиш мумкин.

Бу ҳақда нима дейиш мумкин? Масалани бу тарзда қўйиш гўлликдан ва шу билан бирга айниқса бачканалик, айтишим мумкинки, савдогарчилик қилишдан бошқа нарса эмас. Европада кескинликнинг юмшаши ҳамма халқларнинг мушкулини осон қилади, тинчлик қитъадаги ҳамма халқларга керак. Шу сабабли тинчликни сақлаб қолишга ва мустаҳкамлашга кенгаш қатнашчиларининг ҳаммаси баб-баравар жон куйдириши лозим. Қандайдир дипломатик «товар айирбошлаш» тўғрисида эмас, балки оқибат натижада Европадаги ҳамма мамлакатлар ва халқларнинг хавфсизлигини ва уларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини таъминлайдиган самарали системани ишлаб чиқмоқ учун биргаликда, кўп томонлама куч-ғайрат сарфлаш тўғрисида гап бориши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз тор доирада ва худбинлик билан қилинаётган режаларга қаршимиз, кенгашнинг асосий мақсадлари зарарига жузъий масалаларни сунъий равишда бўрттиравеpишга қаршимиз. Европадаги хавфсизликка тааллуқли масалалар ҳам, экономика, фан, техника, маданият соҳасида, инсонпарварлик соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари ҳам кенгаш ишида муносиб ўрин олиши лозим деб ўйлаймиз. Лекин уруш хавфи йўқотилган тақдирдагина иқтисодий ва маданий алоқаларни кенг ва самарали ривожлантириш, инсоний проблемаларни самарали ҳал этиш мумкин, биз буни ҳеч қачон унутмаймиз, — бошқалар ҳам унутмаслиги лозим деган фикрдамиз. Тинчликни мустаҳкамлаш барча халқлар учун, уларнинг тараққиёти учун, уларнинг келажаги учун биринчи даражада аҳамиятга эга ишдир — бизнинг асримизда фақат мана шу тарихий миқёсга асосланиб жаҳон сиёсати масалаларига баҳо бериш мумкин. Бу нарса Женевадаги кенгашда қилинадиган муҳокамаларга ҳам тамомила тааллуқлидир.

Мана шу кенгашнинг ўзида мунозаралар қандай ўтишининг ўзигина муҳим эмас, албатта. Кенгашнинг ишлаши учун қулай вазият сақланиб туриши ва мустаҳкамланиши ҳам муҳимдир. Аммо кейинги вақтларда бир қанча йирик капиталистик мамлакатларда қуролланиш пойгасини тобора кенг авж олдирайлик, ҳарбий бюджетларни ҳаддан ташқари кўпайтирайлик деган даъватлар эшитилмоқда. Кейинги вақтларда Ғарбий Европада вужудга келтирилган шартномалар ва битимлар системасининг у ёки бу бўғинига нисбатан шубҳа туғдиришга интилаётган кучлар баъзи жойларда активлашмоқда. СССРнинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг сиёсатига ишончсизлик туғдириш мақсадида уйдирма пропаганда кампаниялари ҳам ўтказилмоқда. Шуларнинг ҳаммаси битта мақсад билан: халқлар учун бошланган катта ва керакли ишнинг муваффақият қозонишига ҳар қандай қилиб бўлса ҳам халақит бериш мақсадида қилиняпти, деган таассуротни муқаррар келтириб чиқармоқда.

Умумевропа кенгаши чақирилганлиги ва бу кенгаш ишлаётганлигининг ўзи бизга бераётган тарихий имкониятдан фойдаланмаслик кечирилмас хато бўлур эди, биз бунга аминмиз. Халқлар, бу кенгаш тинчликни янада мустаҳкамлашни таъминлайдиган катта ва мўътабар қарорлар қабул қилади, деб кутмоқдалар. Биз ҳам, шундай қарорлар қабул қилинади ва бу нарса фақат Европа халқлари учунгина эмас, шунингдек планетамизнинг барча халқлари учун ҳам буюк иш бўлади, деган умиддамиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар!

Азиз дўстлар ва биродарлар! Совет Иттифоқи билан Болгариянинг мустаҳкам дўстлиги, уларнинг бир-бирига тобора яқинлашаётганлиги, ҳар томонлама қилаётган ҳамкорлигимиз қимматбаҳо муштарак ютуғимиздир. Шу билан бирга бу нарса бутун социалистик ҳамдўстликнинг ҳам ютуғидир. Бу — тинчлик ва бутун инсониятнинг социал тараққиёти ишига қўшилаётган ҳиссадир.

Совет — Болгария дўстлигини мустаҳкамлаш — ҳар иккала мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига кўмаклашиш демакдир.

Совет — Болгария дўстлигини мустаҳкамлаш — жаҳон социализмининг позициясини мустаҳкамлашга ёрдамлашиш демакдир.

Совет — Болгария дўстлигини мустаҳкамлаш — тинчликни мустаҳкамлашга куч ва қувват бериш демакдир.

Сиз, азиз дўстларни ишонтириб айтмоқчиманки, қардошлик муносабатларимизни кундан-кунга мустаҳкамламоқ учун совет кишилари, совет коммунистлари бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўришга маҳкам бел боғлаганлар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради. Митинг қатнашчилари «Дўстлигимиз абадий!» сўзларини қайта-қайта такрорлайдилар).**

Яшасин совет—болгар қардошлиги! **(Гулдурос, давомли қарсаклар. «Ура!» хитоблари янграйди).**

Енгилмас социалистик ҳамдўстлигимиз омон бўлсин ва мустаҳкамлансин! **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

Яшасин тинчлик! **(Гулдурос, давомли қарсаклар. «КПСС — БКП!», «Дўстлигимиз абадий!» хитоблари янграйди).**



ТУРСУНОЙЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўлкамизда чинакам олтин куз. Айниқса, баракали кузнинг бепоён пахтазорлардаги хуш таровати ўзгача. Қандил мисол чаноқларда момиқ пахталар қийғос очилган. Айни терим палласи. Далаларда эрта тонгдан то кеч қоронғусигача теримчи қизларнинг қувноқ ялласи, қудратли «зангори кема»ларнинг шўх гувури бир зум бўлсин тинмайди. «Оқ олтин» пайкалларини кезаётган терим машиналари штурвалини кўпгина ишчан ва чаққон механизатор қизлар бошқаргани, айниқса, қувончли.

Кун-кеча сергайрат, фидокор турсунойчи қизлар сафи яна ҳам ортди. Чиноз районининг Олмазор поселкасида жойлашган хотин-қиз механизаторлар тайёрловчи биринчи ҳунар-техника мактабини анчагина хотин-қизлар битириб чиқишди. Улар орасида чинозлик қизлар 20 дан ортиқ кишини ташкил этади. Механизаторлар мактабини битириб чиққан механик-ҳайдовчи қизлар ажойиб ватанпарварлик ташаббусини бошлашиб, бу йил — тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида ҳар бирлари 100—150 тоннадан ошириб «оқ олтин» териб беришга сўз беришди.

«Зангори кема»ларнинг янги капитанларига пахта териш агрегатлари ажратиб берилди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирдаёқ бепоён пахта далаларида шижоаткорона меҳнат эстафетасини бошлаб юборишди. Масалан, Чиноз районидаги «Москва» колхозидан Розия Тошева, Собир Раҳимов номли колхоздан Асия Жомбирова, «Қизил Октябрь» колхозидан Нури Турсунхўжаева, Муҳаббат Эшназарова, Мамлакат Зиябоева ва бошқалар ҳар куни элимиз «оқ олтин» хирмонига 3—4 тоннадан ошириб дурдона тўкмоқдалар. Қизлар мамлакатимизнинг машҳур механизатори Турсуной опаларидек меҳнат жабҳасида чинакам жасорат кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Мактаб билан хайрлашув куни одат тусига кириб қолган анъанага кўра Турсуной Охунова ёш механизатор қизлар ҳузурига меҳмон бўлиб келди. Икки ўртада қизғин суҳбатлар бўлиб ўтди. Донгдор механизатор ўз издошларига уларнинг бўлғуси шарафли ишларида катта муваффақиятлар тилади.

Суратларда: (юқорида) Турсуной Охунова ёш механизатор қизлар даврасида. (Пастда) «Янгиобод» совхози далаларида машина терими пайти.

О. Қозоқбоев фотолари.



ИШ БОШИДАН ПУХТА БЎЛМАГАЧ...

Корхона замини қурилиб, деворлари қад кўтармаган, аммо унда ўрнатиш лозим бўлган асбоб-ускуналар алла-қачоноқ келтириб қўйилган объектни кўрганмисиз? Биз кўрганмиз. Бу — Оҳангарондаги қурилаётган чорвачилик саноати комплексидир.

Мазкур комплекс битгач, неча минглаб бош йирик қорамол боқувга қўйилиб, семиртирилади ҳамда гўшт комбинатларига жўнатилади. Бу ерда энг янги замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ўрнатилади. Хозирдаёқ чорвачилик комплекси учун Италия фирмасидан харид қилинган жами 60 вагон турли хил анжомлар ишга маҳтал бўлиб етипти. Демак, қурилишни тезлатиш зарур: чорвачилик комплексини республикамиз «олтин тўйи» арафасида ишга тушириш мўлжалланган.

Аммо, қурилиш ишлари кечиктирилиб юборилмоқда. Чунки қурилишда иш бошидан пухта ташкил этилмаган.

Аввало, объектнинг саноат зонасида умумқурилиш ишлари учун ажратилган маблағларни сарфлаш плани биринчи ярим йилликда атиги 72 процент бажарилди. Бригадаларнинг катта кўпчилиги шу ерда банд. Аммо, кўп ҳолларда материаллар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги туфайли кўпинча қурувчилар бекор қолишяпти.

Масалан, пудратчи «Стальмонтаж» трестида иш анча суст бораяпти. Чунки, металл конструкциялари ва темир-бетон сира етишмаётир. Бинобарин, ҳар бири 720 бош йирик қорамол учун мўлжалланган бешта бузоқхона биноси белгиланган вақтда, яъни шу йил охирида битмай қолиши мумкин. Айниқса, ёз ойларида қурилиш материаллари ўз вақтида мунтазам келиб турмади. Устига-устак «Главташкентстрой»нинг 6-темирбетон буюмлари заводи йиғма-темир-бетон лотокларини ҳеч бир асоссиз юбормай қўйди. «Узсельстроидеталь» трести ҳам буюмларни ўз вақтида бажармаяпти. Бу ерда ишланган темир-бетон панжараларнинг учдан бир қисми ишга бутунлай яроқсизлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Махсус қурилиш-монтаж ишлари министрлигига қарашли 93-ихтисослашган трестнинг Олмалиқдаги саноат базаси ҳам фермалар устини ёпиш учун зарур бўлган материалларни ўз вақтида юбормаяпти.

Чорвачилик комплексининг келажакдаги барча ишлари ем-хашак базаси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳаммага маълум. Бинобарин, яқин орада кўп йиллик ўтлар ва беда экишни бошлаб юбориб, бузоқлар боқувига келтирилгунига қадар етарли озуқа запасини ҳозирлаб қўйиш лозим бўлади. Шу мақсадда бу ерда дастлаб 950 гектар ер ажратиб берилди. Кейинчалик қўшимча 1400 гектар ерни ўзлаштириш кўзда тутилди. Ана шу ажратилган бўз ер массивини экишга ҳозирлаш керак эди. 1971 йилда шундай ишга билан ҳар бирига 300 гектардан ер ажратилган 3 та бригада даласида ирригация ишлари бошлаб юборилди. Бошлашга бошлашдию, аммо ҳанузгача экиш карталари тўлатўкис тайёр эмас. Тошкент сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси (бошқурилажак уй-жой қайси типда бўлиши кераклиги устида келишмовчилик туғилди. Лойиҳачилар фикрича, посёлкада яшаш учун қулай бўлган янги сериядаги типовой уйлар бунёд этиш лозим. Лекин қурилиш ташкилоти буни ҳали қабул қилмаяпти. Негаки, унинг ихтиёрида эскириб қолган конструкциядаги панеллардан уй-жой қуриш учун тайёр база бор.

Посёлка қурилиши шу тариқа қўзғалаяпти. Бунга қурилишни маблағ билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Буюртмачи билан пудратчи ташкилот ўртасида бу йилги ишлар ҳажмини келишиб олиш пайтида посёлка бўйича сметалар ишириш учун бу борада суръатни бундан буён икки-уч баравар оширишга тўғри келади. Шунисн ҳам борки, комплекс қурилиш майдони анча катта бўлганлигидан коммуникация ишларини бажариш мураккаблашади. Айтайлик, биргина газопровод 13 километр масофада ётқизилиши керак.

Чорвачилик комплекси маъмурияти ва бош пудратчи—21-ПМК ташкилоти бунинг ўрнига биринчи навбатда ердамчи ишлаб чиқариш биноларини қуришга киришди. Дуруст, изолятор, гараж, санитария пункти ва ҳоказолар қуриб битказилди. Лекин, буларнинг бирортасини ҳам фойдаланишга топшириш мумкин эмас — уларни жиҳозлаш учун керакли ностандарт анжомлар ва кабель бутунлай йўқ. Электр қуввати ва сув билан таъминлаш, қозонхона қуриш борасидаги ишлар ҳам бошланди, таҳа-тақ тўхтади. Негаки, бу ерда ҳам гоҳ асбоб-ускуналар, гоҳ ностандарт материаллар, гоҳ қувурлар етишмайди. Демак, бу соҳаларда ҳам ишлар бир неча ойлаб орқага сурилади, деяверинг.

«Зарбдор участка» деб эълон қилинган Оҳангарон чорвачилик комплекси қурилишида аҳвол ана шундай. Бу муҳим объектни бунёд этишда чинакам бурилиш ясаш пайти келди.

Д. ПОЛЕВОЙ.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт топшириш йиллик мажбуриятларини ошириб бажардилар. 1100 ўрнига 1210 центнердан ортиқ гўшт етказиб берилди.

Бу ютуқда хўжалик бўрдоқибоқарларининг хизматлари катта бўлди. Улар қорамолларни белгиланган рацион асосида боқиб, яхши натижаларни қўлга киритишди. Чорва маҳсулоти ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш давом этаяпти. Хўжалик чорвадорлари йил охирига яна бир неча тонна гўшт топшириш учун курашмоқдалар.

Шунингдек райондаги 4-«Далварзин» совхозининг аъзамат чорвадорлари ҳам йиллик сут топшириш планларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекишди. Ферма юлдузлари социалистик мусобақани қизғинтиб ишлаб шундай ютуқни қўлга киритдилар

Ферма миришкорлари мажбуриятларини декабрь ойигача бажариш учун зўр ғайрат билан ишлашяпти.

Т. УСМОНОВ,
Т. ҒОЗИЕВ.

ОЛТИН КУЗ КЕЛДИ

Шу кунларда пахтазорда бўлган кишининг баҳри-дили очилади. Ёз бўйи тер тўкиб қилинган меҳнатнинг самараси «оқ олтин» пишиб етилди. Ғўза тупларидаги лўппи чаноқлар «Ҳар туп ғўза, тилла кўза» деб куйланадиган қўшиқни эсга солади. Икки чаноқдаги пахтани териб олсангиз қўлингиз тўлади. Чевар теримчилар белларига этак боғлаб, зўр иштиёқ билан теримга тушиб кетишди. Хирмонларда дастлабки дурдона уюмлари пайдо бўлди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтазорларида терим сўрътати кун сайин кучайиб боряпти. Бу хўжалик аъзоларн сентябрь ойининг биринчи ҳафтасида «кўк олтин» — каноп толаси тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб бажариб катта зафар қучдилар. Давлатга 34 минг центнер, планда белгиланганидан 6000 центнер кўп сифатли каноп толаси етказиб берилди. Колхоз бўйича ҳар гектар ердан 170 центнердан, айрим бригадаларда эса 200 центнердан каноп ҳосили олинди.

Хўжалик миришкорлари каноп ўрим-йиғимини қисқа муддатда ўтказиш билан бирга, пахта йиғим-теримига ҳам пухта тайёргарлик кўрдилар ва пахтаси кўлда териладиган майдонларда йиғим-теримни бошлаб юбордилар. Кейинги кунларда ҳаво ҳароратининг яна кўтарилиши пахта майдонларида пахтанинг чамандек очилишига олиб келди. Ҳозир чевар теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Охунбобоевчилар бу йил 1280 гектар ерга барака уруғи қадаб, эрта кўкламданоқ мўл ҳосил учун курашни қизғин бошлаб юбордилар. Ғўза парвариши ўз муддатида ўтказилди. Натижада ҳозир барча майдонларда олинган юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилди.

Лафан ҳалол саршуослар ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун барча имкониятларни ишга солдилар. Мана ҳозир колхознинг барча бригадаларида ёпасига теримга тушилди. Теримнинг биринчи куниданоқ 2 процентга етказиб пахта тайёрлана бошлади. Бу сўръат охунбобоевликларни қаноатлантирмайди, албатта. Улар 20 сентябрдан машина теримини оммавий бошлаб юборишни мўлжаллаб турибдилар. Ана шунда терим сўрътати кескин ошади.

Мана, колхознинг Худойберди Дадашев бошлиқ бригада далалари. Чевар теримчиларнинг терган пахтаси кечга яқин жамланди. Ҳанифа Мусурмонқулова 130 килограмм, Сотқиной Тошбоева 128, Ҳабиба Усмонова 120 килограммдан пахта теришди. Ҳиммати баланд, қўли гул бу чевар теримчилар эртага терим сўрътини янада оширишга аҳд қилдилар.

Бригада саршуослари машина теримини пухта ўтказиб, 10 октябрдаёқ планни бажаришни мўлжаллаб тушибди. Етиштирилган ҳосилнинг 290 тоннаси машиналарда терилади. Иккита терим машинаси ҳозир дала шийпонига олиб келинди. Ўнинг теримга яхши созланганлиги яна бир марта кўздан кечириб чиқилди. Бу терим машиналарининг ҳар бири кунига 30 та теримчининг ишини бажаради.

Охунбобоев номли колхоз механизаторлари техниканн пухта эгаллаб олганликлари, ундан моҳирона фойдаланишлари туфайли ўз хўжаликларини районда, ҳатто пойтахт областида машҳур хўжаликлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишини таъминладилар. Бу хўжаликда ҳамма иш ўз меъёрида пухта бажарилиши одат тусига кириб қолган. Хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ўз ишини пухта билади. Ҳозир уруғлик пахта қўлда териб олинаётган бўлса машиналар ишга тушгач, пахта териш сурътининг янада кўтарилиши ва колхоз миришкорларининг планни 10 октябрдаёқ бажарамиз деб берган ваъдаларининг устидан чиқишига тўлиқ ишонса бўлади.

Б. ШОНАЗАРОВ,
И. ЭШБЕКОВ.

ЎЧҚАЛАР ЯХШИ СЕМИРТИРИЛМОҚДА

1972—1973 йилги қиш фасли якунлари бўйича чорвадорлар Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиби — Тошкентдаги «Сергели» чўчқа бўрдоқичилиги совхозининг коллективи чўчқаларни семиртириш йиллик планини бажарди. Тирик вазнда қарийб 950 тонна гўшт етиштирилди. Учинчи кварталнинг дастлабки икки ойи мобайнида ҳар бир чўчқанинг бир кеча-ю-кундузда ўртача семириши 10 грамм ортиб, 528 граммга етди. Июль ойида ҳар ўн чўчқадан олтитаси семиртириб топширилган бўлса, ҳозир эса еттитаси ва ундан ҳам кўпроғи топширилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш туфайли ана шундай юксак кўрсаткичларга эришилди. Йил охирига бориб чўчқаларнинг семириши 1150 тоннага етади, хўжалик бир миллион сўмдан кўпроқ фойда олади.

(ЎзТАГ).

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧИЛИДАГИ ТЕРРОР ВА ЗУЛМ ТУГАТИЛСИН

Чилидаги ҳарбий исёнга қарши ҳамда Халқ бирлиги фронтининг раҳбарлари ва тарафдорларига нисбатан қилинаётган оммавий репрессияларга қарши норозилик тўлқини бутун дунёда кучаймоқда.

БЕЛГРАД. Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти И. Броз Тито Осиекда ўтказилган митингда гапириб, Чилининг қонуний ҳукуматини агдаришга ва С. Альендени йиртқичларча ўлдиришга халқаро реакция ва империализм катта ёрдам берганлигини айтди.

ДЕҲЛИ. Куба Республикаси революцион ҳукуматининг Бош министри Фидель Кастро Рус Ханойдан юртига қайта туриб Деҳлида қисқа вақт тўхтаб ўтди.

Фидель Кастро журналистларнинг саволларига жавоб бериб, халқаро империализм мадад бериб турмаганида, Чили реакцияси мамлакатда ҳарбий тўнтариш қилолмаган бўлур эди, деди. Куба ҳукуматининг бошлиги тўнтариш натижасида ҳалок бўлган Чили президенти Сальвадор Альенденинг мардлигига ва матонатига юксак баҳо бериб, мавжуд маълумотларга қараганда, С. Альенде умрининг охирги дақиқаларигача аввало хотинлар ва болаларни мардонавор ҳимоя қилиб турган, деди.

ГАВАНА. Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқлари бирдамлиги ташкилотининг бу ерда эълон қилинган баёнотида айтиладики, Чилидаги ҳарбий тўнтариш — ташқи империалистик кучлар билан бирлашган миллий партияга, христиан демократик партиянинг ўнг қанотига аъзо бўлган «гориллалар» ва хоинларнинг ҳамда «патриа и леберта» типидаги фашист гуруҳларнинг жон талвасасида эришган ғалабаси бўлди.

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия пойтахтидаги маданият халқ уйида Чили халқи билан бирдамликка бағишланган оммавий митинг ўтказилди. Бу митинг, жумладан, Финляндия Коммунистик партияси, касаба союзлари, жамоат ташкилотларининг ташаббуси билан чақирилди.

БОНН. Чилидаги ҳарбий исёнга қарши норозилик овозлари Ғарбий Германияда баралла янграмоқда. Машинасозлик ва металлургия саноатининг икки ярим миллион нафардан кўпроқ ишчисини ўз сафида бирлаштирган ва мамлакатнинг энг катта касаба союз ташкилоти бўлган касаба союз эълон қилган баёнотда «Чилида зўрлик билан қилинган қонли тўнтариш социал ислоҳотлар сиёсатини ўтказиб келган демократик ҳукуматни йўқотиш мақсадида қилинган тўнтариш» эканлиги уқтириб ўтилди.

ПРАГА. «Контрреволюциянинг қўлидан нималар келишини Чехословакия меҳнаткашлари ўз тажрибаларида кўрганлар ва шу сабабли Чили халқи учун мана шу оғир кунларда Чилининг барча ватанпарварлари олиб бораётган курашга ўзларининг синфий бирдамликларини изҳор қиладилар, деб ёзади «Руде право» газетаси.

ПАРИЖ. Чили ҳалқи билан бирдамликни изҳор қилиш, ҳарбий хунтага авж олдираётган қонли репрессияларга қарши норозилик билдириш мақсадида Франция Коммунистик партиясининг, социалистик партиянинг, сўл радикаллар ҳаракатининг ва энг катта касаба союз бирлашмаларининг чақирига биноан бир соатлик яллн забастовка ўтказилди.

(ТАСС, 18 сентябрь).

ВАТАНПАРВАРЛИК ФРОНТИ ТУЗИЛДИ

ПАРИЖ. 18 сентябрь. (ТАСС). Буэнос-Айресдан хабар беришларича, Чилини озод қилиш ватанпарварлик фронти тузилди. Франс Пресс агентлиги мухбирининг айтишича, фронтга Чилининг Кубадаги собиқ элчиси Хуан Энрике Вега ва Халқ бирлиги ҳукуматида тог-кон саноати министри Хорхе Аррате бошчилик қилмоқда. Мухбир маҳаллий хабардор доираларга суяниб, бу фронт реакцион ҳарбий тўнтариш натижасида ағдариб ташланган Чили Халқ бирлиги ҳукуматининг барча тарафдорларини бирлаштиради, деб таъкидлайди. Чилини озод қилиш ватанпарварлик фронтига бошчилик қилаётган ҳар иккала арбоб Жазоирдан Аргентина пойтахтига келишди. Улар Жазоирда блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг IV конференциясида қатнашган эдилар.


ИШ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

ЖЕНЕВА. 18 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш иккинчи босқичи иш органларининг мажлислари бошланди. Уч комиссия ишга киришди. Бу комиссияларда кенгаш қатнашчиси бўлган 35 давлат ҳаммасининг вакиллари иштирок этмоқда.

Комиссияларнинг асосий вазифалари — кенгашнинг учинчи, охирги босқичи учун ҳужжатлар, қарорлар, тавсияномалар тайёрлашдан иборат.

⊙ ДОНГХА шаҳри узра миллий озодлик фронтининг қизил ҳаворанг байроғи мағрур ҳилпираб турибди. Бу шаҳар Куангчи вилояти марказларидан бири. Куни кечаги шиддатли жанглар ҳақида бу ерда эндиликда фақат ўлжа олинган танкларгина (суратда) эслатиб турадн.

С. Афонин фотоси. ТАСС фотохроникаси.



СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ БУЮРТМАСИ БИЛАН

БУХАРЕСТ, 18 сентябрь. (ТАСС). Констанца кемасозларн Совет Иттифоқи буюртмасига ҳажми 1.920 тонна келадиган навбатдаги кемани топширдилар. Бу — Совет Иттифоқининг буюртмаси билан қурилган 11 кеманинг охиргисидир. Констанцада қурилаётган қуруқ юк ташувчи кемалар шимолий ва жанубий кенгликларда сузиш имконини берадиган машина-ускуналар билан таъминланган.

ҲИНДИСТОН ИСРОИЛНИНГ ИҒВОГАРЛИКЛАРИНИ ҚОРАЛАМОҚДА

ДЕҲЛИ. 18 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот бериб, Сурияннинг аҳоли пунктларига Исроил авиацияси 13 сентябрда қилган ваҳшиёна ҳужумини Ҳиндистон ҳукумати номидан қаттиқ қоралади. Ташқи ишлар министрлигининг вакили ҳаводан қилинган бу босқинчилик Ҳиндистон ҳукуматини ташвишлантираётганлигини айтиб, халқаро қонунларни сира таб тортмай поймол қилаётган Исроилнинг агрессив сиёсатини кўрсатувчи янги далилдир, деди. Тель-Авивнинг янги тажовузкорлик ҳаракати, деди у, Яқин Шарқдаги вазиятни анча кескинлаштиради.

ИШЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

НЬЮ-ИОРК, 18 сентябрь (ТАСС). «Крайслер корпорейшн» автомобиль гигантининг барча заводларида Америка ишчиларидан 113,000 кишининг уч кун давом этган забастовкаси ғалаба билан тугади. Корхона эгалари меҳнаткашларнинг талабларини ҳисобга олувчи янги меҳнат шартномасини имзолашга мажбур бўлдилар.

ОЛТИ ЭГИЗАК

НЬЮ-ИОРК, 18 сентябрь. (ТАСС). Денвер шаҳридаги бухгалтернинг 34 яшар хотини Эдна Станек бирданига олти бола туғди. Бўлардан тўрттаси ўғил ва иккитаси қиз. Врачларнинг сўзига қараганда, муддатидан олти ҳафта илгари туғилганига қарамай ҳамма эгизакларнинг соғлиғи жуда яхши.

«Британика» энциклопедиясининг маълумотларига қараганда, шу асрда 12 аёлнинг бирданига олтитадан бола туққанлиги рўйхатга олинган. Лекин шу эгизаклардан биронтаси ҳам ҳозир ҳаёт эмас.



ТАБИАТ БАЙРАМИ

Яқинда Тошкентдаги М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида шаҳар табиатни муҳофаза қилиш жамияти томонидан уюштирилган навбатдаги табиат байрами ўтказилди. Бу традицион байрамда турли хил сайроқи қушлар ва наслдор итлар сақловчи юзларча кишилар қатнашдилар. Айниқса, тошкентлик хизматчи Мансур Отабеков атрофидан томошабинлар аримади. Негаки, унинг жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган 500 га яқин қушлари бир-биридан гўзал, хушовоз эди.

Шунингдек, байрамда иштирок этган 21-поликлиника врачи Борис Симонов паррандаларидан ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Симоновнинг 400 дан зиёд сайроқи қуши бўлиб, бунинг ичида 100 таси яқинда ноёб учрайдиган паррандалардандир.

Тошкент авиация заводининг ишчиси Михаил Проскурин, кинохроника ишчиси Мирмаҳсуд Қосимов, «Узавтехобслуживание» бирлашмасининг слесари Рустам Югусовларга қарашли паррандалар кўпларни хушнуд этди.

Шуниси диққатга сазоворки, тошкентлик Борис Симонов ўтган йили Чехословакияда уюштирилган табиат ҳаваскорларининг халқаро кўргазмасида бош мукофот—олтин медаль ва биллур кубокни олишга муяссар бўлган эди. Бу гал ҳам унинг омади келди.

Табиат байрамида махсус ўргатилган итлар секциясининг ҳаваскорлари ҳам фаол қатнашдилар. Бунда 18-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчилари Саша Султонов билан Игор Липецкийлар ўз «дог»лари, Белла Берковичнинг «рипенчер» зотли итлари билан қатнашиб дипломлар олдилар.

Суратларда: Мансур Отабеков рафиқаси Зинаида Отабекова билан ўз тўтиқушлари олдида. Кўргазма кўринишларидан бири.

М. НУРИТДИНОВ фотолари.



ТОҒДАГИ ШИФОХОНА

Ҳар йили юзлаб Ангрен ишчилари ўз меҳнат отпускаларини санаторий ва дам олиш уйларида мазмунли ўтказадилар. Бу ердаги тоғли профилактория-санаторий ҳам шифоланувчиларга манзур бўлган. Ҳар ойда 35 бемор бу ердан дардига дармон топади.

Катта бинога жойлашган муассаса салқин дарахтлар қўйнида бўлиб, қулай, ёруғ палаталар, замонавий тиббий кабинетларга эга. Диодинамик ток аппарати, мускуллар электростимулятори, шифобахш ванналар даволанувчи кончилар ихтиёрида.

Бош врач Н. Файзуллаев раҳбарлигида профилактория ходимлари халқ соғлиги йўлида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Ф. ПЕТРОВ.

Кичик экран ижодкорларининг пойтахтимизда бўлиб ўтаётган анжуманида ленинградлик «Телефильм» ижодий уюшмаси томонидан яратилган лента-лар ҳам намойиш этилмоқда. Ленинград область телевидение ва радио эшиттириш комитетининг раиси А. Ю. Филипповнинг бу мақоласида қаҳрамон шаҳар телевизион кино санъати намояндаларининг изланишлари ҳикоя қилинади.

ТОШКЕНТДА бўлиб ўтаётган телевизион фильмлар фестивали «Лентелефильм» ижодий коллективи учун кўп жиҳатдан катта аҳамият касб этади. Фестиваль кунлари сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқларимиз таъкидланиб, иш жараёнида юз бераётган хатолар англаб олинмоқда. Ижодий уюшмамиз 1968 йилда ташкил топган. Шу қисқа вақт ичида ўнлаб ранг-баранг ҳужжатли ва бадиий ленталарни яратиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилдик. Булар ичида доҳиймиз В. И. Ленинниг фаолиятига бағишлаб яратилган «Ленин альбоми» деб номланган кўп серияли ҳужжатли лента катта аҳамиятга эгадир.

Қаҳрамон шаҳарда революция доҳийсининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган кўплаб жойлар бор. Ҳужжатли кино лентларда, китобларда, бадиий фильмларда В. И. Ленин ҳаётига бағишланган кўплаб воқеалар ўз аксини топган. Биз «Ленин альбоми» телевизион фильмида доҳиймизнинг мамлакатимизда Октябрь революциясини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича олиб борган барча ишларини кунма-кун, йилма-йил кўрсатиб беришга харакат қилдик. Петербург ва Петроград шаҳарларини доҳиймиз кўзи билан кўриб, ҳис қилиш, у бўлган жойларни лентага олиш масаласи бизни қизиқтирар эди. Фильмни суратга олишда ишчилар томонидан яратилган дастлабки тўғараклар, 1905 йил революцияси, 1917 йилнинг унутилмас апрель ойи, Октябрь кунлари билан боғлиқ бўлган воқеаларга катта аҳамият бердик. Бу ўринда бизга фото суратлар, Ленин қўлёзмаларининг саҳифалари, кино кадрлар қўл келди.

Яқинда В. И. Ленинниг сўнгги марта Петроград шаҳрида бўлишига бағишлаб яратилган «Петербургга ёзининг бир куни» деб номланган фильмини суратга олиб бўлдик. Бу фильм В. И. Ленинниг 1920 йил июль ойида коммунистик интернационалнинг учинчи конгрессида иштирок этиш учун Петроградга келган ана шу тарихий куни акс эттирилган.

«Ленин альбоми» лентaларини яратишда бизга бир қатор институт ходимлари ва айниқса тарих фанлари доктори, профессор Голиковнинг хизматлари катта бўлди.

Телевизион кино яратувчи ходимлар юксак ғояли, бадиий ва ҳозирги замон темаларини акс эттириш устида тинмай изланишлар олиб боришаяпти. «Лентелефильм» ўтган йиллар мобайнида тўлиқ метражли бадиий фильмдан тортиб, кичик публицистик кино очеркқача бўлган телевизион жанрларда лентaлар яратди. Биз ҳозиргача бадиий фильмлар яратиш жараёнида қўлга киритган ютуқларимиз билан қаноат ҳосил қила олмаймиз. Бироқ, ҳужжатли лентaларимиз телетомошабинларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бу лентaларда беш йиллик илғорлари, фанмаданият соҳасидаги ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ўрин да Ленинград оптика-механика бирлашмаси коллективи ҳақида яратилган «Фирма ва ўзим ҳақимда» ва «Биринчи ўн йиллик» лентaларини мисол қилиб келтириш мумкин. «Фирма ва ўзим ҳақимда» фильмида шу ерда меҳнат қилаётган ишчилар, ёш авлод вакилларининг ҳаётий лавҳалари акс эттирилган.

Таниқли режиссёр В. Виноградовнинг «Олтин» деб номланган фильмида олтин ишлаб чиқарувчи кончилар ҳақида ҳикоя қилинади. Режиссёр А. Степанович «Меҳнат династияси» туркумидан дастлабки картинани суратга олди.

«Лентелефильм» кўпгина портрет фильмларини яратишга муяссар бўлмоқда. Буларда маданият, фан ва техника вакиллари асосий қаҳрамон қилиб олинган. «Цадлик кавказ йигити» (Расул Гамзатов ҳақида), «Козинцев билан бўлган суҳбат», ва «Айрим ороллар» (Н. Бехтерова ҳақида) ана шулар жумласидан. Кўплаб фильмларда санъат усталаридан Н. Симонов, В. Стрижельчик, В. Атлантов, О. Воронец, И. Колпаков, М. Биешу, В. Клибернлар ҳақида, уларнинг совет санъатини ривожлантиришда қўшаётган муносиб улушлари намоён бўлган.

Ижодий уюшма коллективи 1971 йилда рангли, ҳужжатли фильмларни суратга олишни бошлади. «Шаҳар — маданият ёдгорлиги», «Павлово саройидаги қабул», «Петр портрети» каби фильмлар кўпчиликка манзур бўлди.

Ҳозир «Лентелефильм» катта ижодий коллективга эга. Улар барча йўналишларда изланишлар олиб бориб, янгиданянги ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бу ўринда «Инсон ва табиат» туркумидан бериб борилаётган фильмларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу фильмлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табиатни муҳофаза қилишга қаратиб чиқарган қарорига бизнинг амалий жавобимиз бўлиб қолмоқда. Коллектив аъзолари санъат усталари ҳақида ранг-баранг фильм концертларни яратиш устида ҳам тинмай иш олиб бораяпти. Тошкент фестивалида «Алиса Фрейндлих. Танланган асарлар» фильм-концерти намойиш этилмоқда.

Тошкент фестивали биз учун янги чўққилар сари одимлаб боришда катта аҳамиятга эгадир. Фестиваль бизда яхши таассурот қолдирмоқда. Дўстларимиз билан суҳбатлашиб, ижодий учрашувлар ўтказмоқдамиз. Телевизион кино санъатини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган кўплаб ҳаётий масалалар ҳал этилаяпти. Биз бундан буён ҳам ўз диққат-эътиборимизни телетомошабинларнинг қўнглини хушнуд этувчи, қизиқарли лентaларни яратиш устида тинмай изланишлар олиб борамиз.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 1230 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Дўстлик экрани. 118.35 — Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. 20.15 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.45 — ТОШКЕНТ. «Ёзувчи ва замон». 21.05 — Ахборот. 21.20 — Экран куйлари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Пахта терими кундалиги. 22.50 — Концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 15.55 — МОСКВА. 16.30 — Ҳужжатли фильм. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — Фотоҳаваскорлар учун кўрсатув. 18.50 — «Голубой огонёк» сахифаларида. 19.30 — Имодиддин Насимий (телефильм). 19.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 20.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади (Тошкент). 20.45 — Ўтмиш киноленталари. 22.00—ТОШКЕНТ. Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили. 22.30 — Дўстларимиз табассуми. 23.15 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивалига тақдим этилган телефильмлар намойиши. 19.40 — Тошкент янгиликлари. 19.55 — Телефильм. 20.25 — Спорт кўрсатуви.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20|IX да Йўқолган узук, 21, 22, 23|IX да Абу Райҳон Беруний.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20|IX да Навоий Астрободда, 21|IX да Ёшлинда берган кўнгил, 22|IX да Ўжарлар, 23|IX да Ҳалима.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Иван Анисимов раҳбарлигидаги ўргатилган айиқлар аттракциони (кеч соат 7 яримда).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Колонна — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00).

Бошсиз чавандоз (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 18.00, 21.45), «ДРУЖБА» (11.00, 13.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00), «КУКЧА», «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Номаълум аёл — НАВОИЙ номли (14.00, 16.00, 17.40, 19.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.00, 20.00), «ЧАЙКА» (16.00, 20.00), «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

Привалов миллионлари (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қора бўри — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 18.00, 21.45).

Пойгачилар — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Қизлар қасамёди — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ИВАН АНИСИМОВ раҳбарлигидаги

ЎРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ

Томошалар кеч соат 7 яримда (шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари соат 12, 3 ва кеч 7 яримда) бошланади.

Олдиндан билет сотиш касса-сам ҳар куни кундуз соат 12 дан ишлайди.

Цирк яқинида 1, 4, 25, 52, 54, 74, 19, 41, 49-автобусларнинг сўнгги бекати жойлашган.

„ЗЕБИНИСО“ ҚИЗИ

Кишилар қалбига энё бахш этиш, муносиб шогирдларнинг ҳурматли устози бўлиш нақадар шарафли! Шу боисдан устоз-мураббийларни меҳрибарё кишилар деб ҳурматлашади.

Гулсум Раҳимова ҳам ана шундай қалби куёш зиёкорлардан. У педагоглик касбини танлаганида, келгусида бунчалик иззат-икром, обрў-эътибор қозонаман, деб ўйлаганмикан. Аммо, камолот сари интилиш, ўсиш-улғайиш, тинимсиз ижодий меҳнат уни элга танитди. Моҳир устозлар қаторидан ўрин олди. Ҳа, у ўқитувчиликдан катта бахт топди.

Педагог олима билан учрашганда ҳар сафар негадир «Зебинисо» қизларининг порлоқ тақдирини кўз-олдингга келтирасан, киши! Бу даргоҳ қанчаданқанча талабаларни учирма қилмади дейсиз! «Зебинисо» интернати ёш Гулсумни ҳам ўз бағрига олди. Тарбия ўчоғи унга келажакка, порлоқ истиқболга йўлланма берди.

Уша иноқ оила «Зебинисо» қизларида яхши хотира бўлиб қолди. Интернат классик шоиразимиз Зебинисо номи билан аталганлигидан бу ерда адабий муҳит ҳукмрон эди. Қизларнинг адабиёт тўгарагига ҳурматли ёзувчимиз Ойдин Собирова, журналист Ҳосиятхон Тиллахоновалар тез-тез келиб туришар, адабий кечаларга бошчилик қилишарди.

Ўшанда ёш Гулсум қалбида бадиий ижодга, адабиётга катта ихлос, қизиқиш ҳисси уйғонган бўлса ажаб эмас. У адабиёт дунёсига бутунлай берилди. Ёш авлодни ҳам шу дунёдан баҳраманд этиш орзуси билан яшади. Бу, уни педагогик касбни эгаллаш сари етаклади.

ТЎЙҲАТ ЎРНИДА

Энди ўнинг олдида адабиёт ўқитиш ва методикасининг мушгараклигини таъминлашдек вазифа турарди. Буни у қўйилгандек адо этди.

Ижодий меҳнат йўлига бир эътибор қилинг-а, унинг олдий ўқитувчиликдан бой педагогик тажрибага эга бўлган олима бўлиб етишганлигининг гувоҳи бўласиз. У ўқитувчи экан, адабиёт ўқитиш методикаси билан ҳам яқиндан шуғуллана бошлади. Буни тажрибали адабиёт ўқитувчилари яхши билишарди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистон ССР маориф министрлигига ишга қабул қилинди. 1941 йилда Ўзбекистон педагогика билимлари институтига методист бўлиб ишга ўтди. Бу орада унинг «Ватан адабиёти» хрестоматияси тузилди. 1944 йилда эса моҳир педагогга республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвони берилди. «Саккиз йиллик мактабларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш» деган темада диссертация ёқлаб, педагогика фанлари кандидати бўлди.

Жўшқин илмий педагогик фаолиятининг қисқача мундарижаси бу! Олима фаолиятининг яна бошқа қирралари ҳақида ҳам тўхталиш мумкин. Булар ҳам халқ маорифи равнақи билан узвий боғлиқдир.

Олима дарслик ва программалар тузиш борасида бой тажриба тўплади. 6-синф учун тузган «Ватан адабиёти» 18 марта қайта нашр этилди. Ҳар сафар олима замон талабларига мос ҳолда дарсликка ўзгартиришлар киритар, уни кундалик ҳаётга мосларди.

Унинг 7-синф «Ватан адабиёти» хрестоматияси, олтинчи синфлар учун «Ватан адабиёти» хрестоматиясидан қанчадан-қанча ўқувчи баҳраманд бўлди. Олима 10-синфлар учун «Ўзбек совет адабиёти хрестоматияси»нинг авторларидан бири бўлди.

Ижодкор олиманинг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги катта хизматлари муносиб тақдирланди. Педагогик хизматлар учун таъсис этилган Крупская медали билан у биринчилар қаторида мукофотланди.

Гулсум Раҳимова бир неча йилдан бери «Совет мактаби» журнали редколлегиясининг аъзоси. Янги программа талаблари асосида тузилган «Ватан адабиёти» хрестоматиясининг иккинчи нашри босмадан чиқди. Бу—унинг ўз юбилейига ҳозирлаган ижодий совғаси бўлди.

Ҳа, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи педагогика фанлари кандидати Гулсум Раҳимова 50 ёшга тўлди. Меҳрибон мураббий ва устоз педагог қувончли кун олдидан жуда кўплаб хат ва телеграммалар олди. Уларда моҳир педагогнинг шогирдлари, касбдошлари бу шодиёна билан уни муборакбод қиладилар, олимага узоқ умр ва ижодий баркамоллик тилайдилар.

Бу яхши истакларга биз ҳам тилакдошмиз.

А. АЛИЕВ.



Суратда: Гулсум Раҳимова (ўртада) педагогика фанлари кандидатлари Р. Усмонов ва Қ. Абдуллаевалар билан.

Н. Аъзамов фотоси.

Спорт

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИЛАР

Куба пойтахтида ўтаётган оғир атлетикачиларнинг жаҳон биринчилигида совет штангачилари ҳам мусобақага киришдилар. Ватандошларимиз орасидан биринчи бўлиб саҳнага чиққан Дито Шанидзе жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. У иккита машқ натижасига кўра 272,5 килограммлик штангани забт этди (120+152,5). Иккинчи ўринни олган болгариялик Нурикян ғолибдан 5 килограмм орқада қолди. Бронза мукофоти поляк Ян Войновскийга тегди (257,5 килограмм).

ИККИ ПЕШҚАДАМ

Биринчи лига футбол коллективлари ўртасида Кишиневнинг «Нистру» ва Одессанинг «Черноморец» командалари анча илгарилаб кетдилар. Олий лигага ўтиш учун ҳозир мана шу икки коллектив асосий даъвогар бўлиб турибди. Кейинги турда «Нистру» уз майдонида «Олга»ни 4:2 ҳисобида енгиб, 30 учрашувда 42 очко тўпладн. «Черноморец» ҳам кейинги ўйинда йирик галабани қўлга киритди. У «Помир» футболчилари устидан 5:1 ҳисобида ютуққа эришди. Шунисн характерлики, бу ўйинда «Черноморец» ҳужумчиси Шепель 4 та тўп киритди. Ҳозир у биринчи группа мерганлари рўйхатинн бошқарнб бормоқда. Мавсум бошидан буён у киритган тўплар 26 тага етди.

Бокунинг «Нефтчи» командаси кеннигн турда Ивано-Франковск шаҳрида маҳаллий спартакчиларга ютқазнб қўйди — 0:1. Ҳозир Озарбайжон футболчилари «Черноморец»дан 5 очко, «Нистру»дан 7 очко орқада бормоқдалар.

УСМИР ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

Рига шаҳрида мамлакатимиз ўсмир шахматчиларининг Бутуниттифоқ команда ўйинлари бўлди. Бу мусобақаларда Тошкентнинг ёш шахматчилари командаси ҳам қатнашди (4 ўсмир ва 2 қиз). Гарчи команда ҳисобида вакилларимиз юқори ўринларни эгаллламаган бўлсалар ҳам, тошкентлик мактаб ўқувчиси, биринчи разрядли Нурзас Айдаровнинг ўйинлари хурсанд қилди. У кучли рақиблари билан учрашувда тўрт имконнятдан 2,5 очко олди.

ҚОВОҚАРИ — ЧОРВАДОР ЁРДАМЧИСИ

Омскдаги қовоқари «шаҳарчаси» майдони олти ярим гектар келади. Буни ҳашаротларнинг бутун бир макони деса ҳам бўлади. Бу хилдаги ҳашаротлар қўриқхонаси биринчи марта бундан ярим аср илгари машҳур француз энтомологи Жан Анри Фабр томонидан барпо қилинган эди. У ярим гектар чамаси, тошлардангина иборат бўлган, ҳеч нарсага яроқсиз қуруқ бир участкани сотиб олади. Эндиликда бу ер бутун дунёга машҳур қўриқхонага айлантирилган. Фабр бу ерда ҳашаротларнинг инстинктлари устида жуда қимматли тадқиқотлар ўтказди.

Омск қўриқхонаси В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академияси Сибирь бўлими томонидан вужудга келтирилган. У турли ўтлар қалин ўсган, оқ қайинлар ажиб манзара касб этган ўрмон ва очиқ майдонлардан иборат. Бу ерда қовоқари ва бошқа ҳашаротларнинг яшаши ва кўпайиши учун имкон берадиган ҳар бир уя, ҳар бута, ҳар бир ўт эҳтиёт қилиб сақланади. Қўриқхонада сақланадиган ва ўрганиладиган асосий ҳашарот — қовоқаридир. Агар табиатда қовоқарини кўплаб сақлаб қолиш ва уни асалари сингари қўлга ўргатиш мумкин бўлса, беда уруғчилиги муаммоси тўлиқ ҳал қилинади, деб ҳисоблаш мумкин, чунки бедани чанглатишда қовоқари бебаҳо хусусиятга эгадир. Беда —маълумки, энг муҳим ем-хашак экинидир. Чорва молларни ўсимлик оқсили билан таъминлашда ундан ўтадигани йўқ. Қовоқарилар бедадан бошқа ўсимликларни ҳам чанглатадилар. Аммо бу табиий чанглатувчилар ўз жойларидан сиқиб чиқарилмоқда.

Қовоқарларнинг кўпгина турларн кемирувчиларнинг инларига уя қуядн. Аммо улар бир-бирларн билан келиша олмайди, ўртада кураш бошланадн. Қовоқарилар олиши «хона масаласи»да жуда кўпдан-кўп қийинчиликларга дуч келадн.

Бунн тузатиш йўлн бор. Тадқиқотчилар қалин ўсган ўтлар илдизи остига эҳтиётлик билан кичик-кичик яшикларн ўрнатадилар. Яшиклар ичига пахта ва бошқа нарсалар солинмб, ҳудди сичқон инига ўхшатилади. Қовоқарилар бу уяларга келиб жойлашиб олади. Ёз охиригача келиб бу уяларда қовоқарн оилаларн вужудга келадн.

Қовоқарилар ҳаётнни кузатиш анча қийин. Лекин ҳар хил йўллар билан кузатув ишлари олиб борнб, қовоқарининг ғумбагини ўз танаси билан исгиб ётганини кўриш мумкин. Қовоқарн уясидаги ҳарорат киши танаси ҳароратн билан бир хилдир.

Қовоқари ҳаётнинг яна бир сирн — қовоқарилардан бирн уя оғзида турнб эртадан кечгача бетўхтов ғувиллайдн. Бундай сигналнинг нима кераги бор! Қовоқарида эшитув сезгиси йўқ-ку!! Маълум бўлишича, қовоқарилар шу йўл билан уянн шамоллатиб турйшаркан. Уларнинг болаларигз жуда кўп кислород керак бўларкан.

Баҳор келиб, кунлар исий бошлаш билан бўлғуси она қовоқарилар ер устида аста учиб, сичқонларнинг эски инларини қидиради. Улар аввалдан тадқиқотчилар тайёрлаб қўйган уяларн топадилар. Шу йўл билан қовоқари оилаларн кўпайтирилади. Сўнгра уяларни бедапояларга кўчирнш мумкин.

Ҳозир Омск қўриқхонасида Томск университети ҳузуридаги биология ва биофизика этомогларн, ўсимликларни ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтининг биоценологлари ва ВАСХНИЛнинг Сибирь бўлимн илмий ходимлари иш олиб бормоқдалар.

«ОГОНЁК» журналидан.

СПАРТАКИАДА ОЛДИДАН

21 сентябрда республикамиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон ССР нинг 50 йиллигига бағишланган ўқувчиларнинг XXIII спартакиадаси очилади.

Шу муносабат билан яқинда Маориф министрлигида республикамиз областларидан келган спорт делегацнялари бошлиқлари, судья ва тренерларнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари спартакиаданинг тантанали очилиши, спорт базаларини тайёрлаш, ўқувчиларни турар-жой, озиқ-овқат, транспорт ва медицина хизмати билан таъминлаш каби қатор муҳим ташкилий масалаларни ҳал қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Шермуҳамедов қатнашди.

З. ТЎЛАГАНОВА.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Бизнинг адрес: Тошкент, Пушкин кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари—В35885, В37916. Масъул секретарь —В34808 пропаганда ва адабиёт-санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши ва ахборот, спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги ва фан, мактаб, олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В37045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634.

В. 1823. Р—04338